Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1998 йил 11 февраль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 11 (7008)

Da'vat

Ҳеч бир ота боласига яхши одобдан ортиқ ҳадя беролмайди.

ҲАДИСДАН

Ibrat

Ўтган ўқув йилида Тошкент темир йўлларини таъмирлаш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш касаба уюшмаси (раиси Ҳожиакбар Аҳмедов) 10 минг сўмлик китобни Сирғали туманидаги 237-мактаб кутубхонасига совға қилганди. 1997-98 ўқув йилида эса уюшма мактабга ижтимоий-сиёсий китобларни сотиб олиш учун яна 25 минг сўм пул ажратди.

Jarayon

МАСЪУЛИЯТНИ АНГЛАБ ЕТАЯПМИЗМИ?

Вақт шамол мисоли жуда тез утаяпти. Жуда тез. Озод юртимизда кўплаб янгиликлар содир буляпти. У дунё ҳамжамиятига танилиб улгурди. Эндиги босқич эса дунё ҳамжамияти эътиборида муқим қолиш, тилдан тушмасликдир. Бу танилишдан-да мушкулроқ, машаққатлироқ ишдир. Бу ҳам иқтисодий, ҳам маънавий кўтарилиш орқали амалга ошади. Ҳукумат, хусусан, давлатимиз раҳбари бу поғонага ШАХСлар орқалигина эришиш мумкинлигини таъкидлаяпти. Шахсларни тарбиялаш учун асос яратилди — «Таълим тўғрисида»ги янги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинди, унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Бунинг замирида катта маъно борлиги ҳақида бот-бот ёздик.

Вақт бешафқат. Бу тарихий сессия ўтганига ҳам беш ойдан ошди. Утган фурсатда миллий дастур деган сўз кўпчиликнинг оғзидан тушмади. Ният ҳам шу эди. Фақатгина тилда эмас, тилдан дилга кўчириш эди ният. Жойларда ўқишлар ташкил этилди. Лекин қандайдир расмий ўқишдек туюла бошлади. Гўёки миллий дастурда таълим тизими ходимлари учун вазифалар аниқ белгиланмагандек, яна кимдир топшириқ бериши керакдек нимадир кутила бошланди. Бу савол билан халқ таълими вазирига мурожаат қилганимизда, у ҳам уша ўқишлардан қониқмаётгани, бу хавотирли ҳол эканлигини таъкидлади. Миллий Дастурни руёбга чиқаришда ўқитувчининг вазифаси, мактаб директори, борингки ота-оналарнинг вазифаларини бирма-бир санаб, сабабларини кўрсатиб утди. Бу ҳақда газетанинг 7 январь сонида суҳбат чоп этилди. Бу фурсатда туман халқ таълими бўлими мудирларининг ўқиши ташкил этилди. Дастлабки куни улар тестлардан утказилди. Қарангки, мудирларнинг кўпчилиги «2» — «3» баҳодан нарига ута олмади. Янги «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури», Президент Ислом Каримовнинг уша сессиядаги машҳур нутқи, Халқ таълими вазирлигининг иш режаси, ҳамма-ҳаммаси ўқилди, конспект тузилди. Ўқиш охирида яна бир тест ўтказилди. Натижа яхши бўлди. Мудирларнинг айримлари шу пайтгача ҳеч нарса тушунмасдан юрганларини тан олишди, энди ишга жиддий ёндашишга сўз беришди. Юқоридан тест кутмай ҳукумат ҳужжатларини худди шу тартибда конспект қилиб ўқиса, улар орқали халқ таълими бўлими мудири ўзига режа тузиб олса бўларди-ку!? Начора, эски тузум иллати одамларни шунга ўргатган экан. Демак, янги тизимга кўниккунча раҳбарларни, ходимларни тестдан утказиб туриш керакка ухшайди. Жойларда мактаб директорлари, илмий бўлим мудирлари ўртасида ҳам тестлар утказилди. Тошкент шаҳар Юнусобод туманидан 29 нафар мактаб директори, 24 нафар илмий бўлим мудирлари тестдан ўтказилганда 274-мактаб директори (С. Маҳкамов), 247-мактаб директори (К. Обидов), 273-мактаб илмий бўлим мудири (У. Пирназаров), 63-мактаб илмий бўлим мудири (З. Умарова) саволларнинг ярмига тўғри жавоб беришган. Тошкент вилоятидаги Тошкент тумани ХТБ услубчиларидан 5 нафари, мактаб директорларидан 14, мактаб илмий бўлим мудирининг 31 нафари тестдан ўтказилганда 10-мактаб директори (М. Холиқова) 46 фоиз, 13-мактаб директори (А. Холдоров) 43 фоиз паст даражани кўрсатишган. Бундай тестлар Қибрай туманида ҳам ўтказилганда 13, 15, 17, 21, 26, 28, 42-мактаблар илмий бўлим мудирлари ҳам 60 имкониятдан 25-30 балл тўплашиб паст кўрсаткичга эришганлар.

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида ўтказилган тестлар ҳам директорларнинг «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ҳақида тасаввурлари анча паст эканлиги аниқланди. Масалан, «Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларини кўрсатсангиз?» саволига 87 фоиз мактаб директори жавоб бера олмаган. «Давлат таълим стандартларга нимани аниқлайди?» саволига 83,3 фоиз мактаб раҳбари нотўғри жавоб берган.

Булар халқ таълими вазирининг йил бошида билдирган хавотирига исботдир.

Рейдлар натижасида яна бир қанча камчиликлар ҳам кўрилдики, бу ҳақда ҳам тўхталиш жоиз. Ҳар йили кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари қизғин кечади. Мактаб иншоотлари — стол-стул, парта, дераза ойнаси, иситиш қозонхоналарини, умуман иситиш тизими таъмирланади. Бироқ туман ХТБ мудирлари вилоят ХТБсига, вилоят ХТБлари вазирликка бу ишларнинг 100 фоиз бажарилганлиги тўғрисида ёзма рапорт берадилар. Бироқ жойларга чиқсангиз аҳвол бошқачалигини кўрасиз. Дейлик, Бойсун туманидаги 7 ва 49-мактаблар оғир аҳволда. 7-мактабда 3 йилдан буён дераза ойналари олинмаган. Ваҳоланки, ҳар йили вилоят мактабларига ойна ажратилади. Дераза ойнасининг ўрнига картон, фанера, плёнкалар қопланган. Парталар синган. Юқоридаги икки мактаб ҳам авария ҳолатида. Иккиси учун ҳам 1991 йили янги бино қурилиши бошланган. Уларнинг иккиси ҳам ҳануз чала-чулпа ётибди. 7-мактаб қурилишининг тўхтаганига 5 йил тулибди. 49-мактабнинг янги биносида эса 22 фоиз иш бажарилган. Айрим ўқувчилар қишнинг чилласида ҳам 5-6 км масофага қатнаб ўқишмоқда. Яна бир мисол, 1997 йили 27-мактабнинг янги биносида ўқиш бошланган. Туманда электр токининг соат 10.00 дан — 17.00 гача учириб қўйилиши оқибатида янги мактаб ҳувиллаб қолган. Бола соғлом бўлиб ўқиши керак эмасми? Ёки билимли касалманд қайси жамиятга керак? Туман раҳбарларида электрнинг учириб қўйилганига сабаблар топилиши мумкин. Бироқ миллий дастурда таъкидланган соғлом ва баркамол авлод тарбиясига тескари таъсир қиладиган ҳар қандай сабаб фақатгина баҳонадир. Баҳона эса гуноҳдир. Энди журналистик тадқиқот олиб борсангиз юқоридаги камчиликларга мактаб директори айбдор бўлиб қолади, чунки у «мактаб тўлиқ таъмирдан чиқди, ҳаммаси яхши» қабилида юқори ташкилотга рапорт ёзиб берган. Кимни алдаймиз, қачонгача?

Бугунги вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар ҳаммамизга маълум. Бироқ келажакни қурадиган ёш авлод таълим-тарбияси учун барча маблағлар, ёрдамларини ҳокимдан бошлаб ташкилот, муассаса, хўжалик раҳбарларигача бўлган зотлар аямасликлари лозим. Улар келажакда ўз мевасини беради ахир. Корхона, идораларнинг эътиборсизлигига яна бир мисол. 1997 йил 26 сентябрда Вазирлар Маҳкамаси болалар боғчаларини босқичма-босқич давлат тасарруфига утказиш ҳақида қарор қабул қилганди. Шурчи туманидаги Толли жамоа хўжалигига қарашли «Нилуфар» болалар боғчасининг поллари синган, шифти бузилган, дераза ойналари йўқ, умуман ночор аҳволда ётибди. Хўжалик уни таъмирлаб давлат тасарруфига, яъни ўз болаларининг келажаги учун топшириши лозим эди. Боғча ҳануз ишламай ётибди. Бу кўпгина идораларга тегишли вазифадир.

«Маърифат» газетаси жойларда рейдларини утказишда давом этади. Камчиликларни бартараф этиш учун барча қатори журналистлар ҳам масъулдирлар. Ҳаммамизнинг мақсадимиз бир — Узбекистоннинг келажагини қурадиган ШАХСларни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш, ўқишга ўргатиш, унинг ўз имкониятларини англашга, билим олиши, ҳунар ўрганишига кўмак беришдир. Ёш авлодга шундай ибрат бера олсак, улар келгуси авлодларга биздан ҳам яхши шароит яратиб беришга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун ўз масъулиятимизни англаб етишимиз керак.

Ҳалим САЙИД

Меҳнатнинг маҳсули ўзининг мафтункорлиги билан ҳам санъат асарига айланади. Халқ ҳунармандчилигида ёғоч ўймакорлиги гўзалликнинг айнан ўзидан туғилгандай. Чунки унга меҳнат, сабр, меҳр ва ижод инган. Унинг бир парчасида ҳам миллийлик мужассам.

Суратда: Шаҳрисабз шаҳар ўқувчилар саройида ташкил этилган ёғоч ўймакорлиги тўгарагининг раҳбари Алишер Саломов 5-синф ўқувчиси Жамшид Раҳмонов ижодини баҳоламоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат

JUMLADA JAHON

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Буюк Британия парламенти делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таклифига биноан расмий ташриф билан Тошкентга келди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 9 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади, унга кўра 1 АҚШ доллари 82 сўм 2 тийинга тўғри келди.

● Тожикистондаги сиёсий вазият кейинги кунларда бир оз яхшиланаётган бўлишига қарамасдан тожик-афғон чегарасида дам-бадам чегарани бузиш ҳоллари рўй бермоқда.

● АҚШнинг Тинч океани соҳилларида қирғоққа яқин жойлашган бир қанча шаҳар ва қишлоқларида довул туфайли сув тошқини юз берди.

● Ироқ атрофидаги можаро учинчи жаҳон урушига олиб келиши мумкинлиги хусусида дунёдаги барча давлатлар хавотир билан фикр юритмоқдалар.

● Афғонистоннинг Дахор вилоятида рўй берган олти балли зилзила 4,5 минг киши вафотига ва бир неча минг эски иморатларнинг бузилишига сабаб бўлди.

Tahlil

БИЛИМЛАР МОНИТОРИНГИ

Сўнгги пайтларда таълимда ҳам «ташҳис» ибораси тез-тез қўлланила бошланди. Хўш, уни аниқлашда ва қўйишда объект ёки субъект сифатида кимларни ёки нималарни кўрамиз. Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида «Абитуриент мактаб ва дарслик юзи», деган мақолада Давлат тест маркази томонидан чиқарилган «1997 йилги тест якунларининг дидактик аспектлари» номли китобида асосан дарсликлар мазмунига оид таҳлилий хулосалар хусусида гап кетганди. Яқинда ДТМ чиқарган «Информацион-таҳлилий материал» деб номланган китоб эса 1997 йил тест натижалари бўйича республика таълим муассасаларининг иш самарадорлиги чуқур таҳлил қилган. Бу иккала таҳлил жараёнида ҳам асосий объект — АБИТУРИЕНТ, субъект — АБИТУРИЕНТ ЖАВОБИ. Ҳар бир таълим муассасасининг, таъбир жоиз бўлса «маҳсулоти» — битирувчи. ДТМ томонидан унинг таҳлил объекти ва субъекти қилиб олинганлиги ва шунга кўра маълум бир мактаб фаолияти ҳамда фаннинг қанчалик самарали ўқитилаётганлигига баҳо берилганлиги мантиқан тўғри. Негаки, бу борада асосий мезон — ўқувчи билими.

Бу китобнинг чиқиши ўз ўрнида «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да кўзда тутилган таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш тизимини, билимлар сифати мониторингини яратишга бир қадар урниш бўлди. Республикамиздаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган 5518 та мактаб, 226 та лицей, 197 та касб-ҳунар билим юртларининг 221 мингдан ошиқ битирувчиларининг олий ўқув юртларига киришидаги тест саволларига жавоблари асосида хулосалар чиқарилганлиги фикримиз далили бўла олади.

Ўтган йили, ёдингизда бўлса, биз ДТМ тақдим этган вилоятлар бўйича таълим самарадорлиги кўрсаткичларини «Кўзгу»да берган эдик. Бу йил ҳам шундай ниятда эканлигимизни билдириб, ҳақида гап кетаётган ушбу китобда нафақат республика вилоятлари, туманлари, балки абитуриентлар мансуб бўлган барча мактаблар бўйича барча фанлардан жавоблар самарадорлиги жадвал ва гистограммаларда аниқ, равшан кўрсатиб берилган. Демоқчимизки, уни олиб, ўз меҳнатингиз самараси қанчалик бўлганлигини, «ҳосилингиз чўғини» билиб олишингиз, натижада тегишли хулосага келишингиз мумкин.

А. РАҲИМОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАЁТГАН НУФУЗЛИ ХОРИЖ ФИРМАСИГА ИҚТИДОРЛИ АГРОНОМ-ЭНТОМОЛОГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ИШЛАБ, ЯШАШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Номзоддан қуйидагилар талаб қилинади:

1. Ихтисоси бўйича 5 йиллик иш стажи;

2. Муттасил сафарларга чиқишга имконияти;

3. 35 ёшдан юқори бўлмаслиги;

4. Транспорт бошқара олиши;

5. Инглиз тилини билиши.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонга мурожаат қилинг: 136-54-17.

Шошилинг! Танлов муддати 20 февралгача.

Yangilik

ОЛТИ ТИЛДА ЧОП ЭТИЛГАН МАКТАБ ДАРСЛИГИ

Дарслик — таълим жараёнидаги энг муҳим омиллардан биридир. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясидаги кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимидаги ислоҳот тўғрисидаги нутқида эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан ҳамда эски мафкурадан халос бўлмасдан туриб болаларимизни янгича фикрлашга ургатолмаймиз. Буни барчамиз тушунишимиз, англашимиз даркор. Дарсликларда миллат фикри, миллат тафаккури, мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак. Биз дарслик яратишга энг илғор ва энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга кўтаришимиз керак, деб таъкидлаган эди.

Ҳақиқатда ҳам дарсликнинг илмий мазмуни, баён этилиш услуби, унда ҳар бир минтақа ва халқнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, собиқ иттифоқ даврида мактаблар учун дарслик яратишнинг энг «қулай» ва «арзон» усули ўйлаб топилган эди. Деярли барча фанлар бўйича дарсликлар Москвада ягона «Просвещение» нашриётида рус тилида чоп этиларди. Сўнгра, уларни ҳамма республикалар ўз тилларига таржима қилардиларда, қўллайверардилар. Табиийки, бундай дарсликда ҳар бир республиканинг табиий-жуғрофий шароити, халқнинг урф одатлари ва бошқа миллий

(Давоми 2-бетда)

БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Суз мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 557 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда. Жойларда, илмий муассасалар, ўқув юртлари ва мактабларда анъанавий навоийхонлик, адабий кечалар давом этмоқда.

Буюк бобокалонимиз таваллуд топган кун — 9 февраль тонгида шоир ва ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар, талаба ва ўқувчилар, жамоатчилик вакиллари улуғ Навоий хотирасини ёд этиш учун шоир номи билан аталувчи Миллий боққа тўпландилар. Бу ердаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Шундай кейин анъанавий навоийхонлик бошланди.

— Президентимиз маънавиятни юксалтиришга катта эътибор беряпти, — деди Ёзувчилар уюшмаси раиси, Узбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов. — Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий эса маънавиятимиз карвонининг сарбонидир. Ул зот биздан нисбатан узоқ даврда яшаган бўлса-да, унинг инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган асарлари ҳамиша барҳаётдир. Ҳали бобомиз тўғрисида кўп асарлар ёзишимиз, илмий тадқиқотлар олиб боришимиз керак.

Узбекистон Халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, шоир Усмон Азим Навоийнинг бадиий юксак асарлари авлод-аждодларимизни умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани, шу боис мутафаккир шоир адабий меросини, бадиий маҳоратини ўрганиш бугунги кунда ҳам навоийшунослар, шоир ва адиблар учун етакчи мавзу бўлиб қолаётгани тўғрисида сўзладилар.

Маросимда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Уткир Раҳматов қатнашди.

(ЎзА)

«ИМЛО ЛУҒАТИ»ДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ОСОНЛАШТИРАЙЛИК 2-бет

ОИЛА — МУҚАДДАС МАСКАН (САҲИФА) 3-бет

ШАҲАРЛАР ШАЖАРАСИ 5-бет

МИМ

ХАБАРЛАРИ

МАРҲАМАТЛИК ЎҚУВЧИЛАР ШИЖОАТИ

Андижон шаҳрида икки кун давомида вилоятдаги мактаблар, гимназиялар, лицейларнинг 9, 10, 11-синф ўқувчиларининг билимлари обдон синовдан ўтказилди. Яъни фанлар олимпиадаси бўлиб ўтди.

Марҳамат тумани ўқувчилари ҳар йилгидек бу йил ҳам жамоа ҳисобида вилоятда биринчи ўринни эгалладилар. Тумандан 48 нафар ўқувчи қатнашиб, 8 нафари 1-ўринни, 6 нафари 2, 3 нафари 3-ўринни ва 10 нафари 4, қолганлари 5-ўринни эгаллашдилар.

Жумладан, 15-мактаб ўқувчиси Х.Холматова биологиядан, 3-лицей ўқувчиси М.Бакиров физикадан, 18-мактаб ўқувчиси К.Ғайматов чизмачиликдан, 39-мактаб ўқувчиси Д.Прокаев рус мактабларида ўзбек тили фанларидан ғолиб чиқиб, 11-синф ўқувчилари республика олимпиадасида қатнашадиган бўлдилар.

А.ЭРАЛИЕВ

ДАРОМАД ОСМОНДАМАС, ЕРДА,

— дейди Гурлан туманидаги 29-мактаб директори Мадрим Сапарбоев. Дарҳақиқат, мактабнинг 0,4 гектар ерига буғдой экилиб, 40 минг сўм даромад олинган. Мактабнинг 1500 туп оқ терак ва қора толи, 25 туп мевали дарахти бор. Улардан ҳам анчагина даромад олинади.

Сармояни янада кўпайтириш мақсадида мактабда дон тегирмони қурилган, этикдўзлик, тикувчилик билан шуғулланиш йўлга қўйилган. Ишлаб топилган маблағлар мактаб эҳтиёжи учун жуда асқотаяпти.

Ғ.ЁҚУБОВ

ЎША КУНДАН БОШЛАНДИ

Пойариқ туман ХТБда тил ўргатиш маркази ташкил этилган эди. Қизғин фаолият эса унга ишчан, ташаббускор ўқитувчи Шароф Очилов директор этиб тайинланганидан кейин бошланди. 1-ўрта мактабдан иккита хона ажратилди ва улар махсус дарсликлар, техника воситалари билан таъминланди.

Аввало, тил марказига тажрибали, билимдон ўқитувчилар ва тест синови орқали ўқувчилар саралаб олинди. Ҳозирда инглиз тилидан машғулотлар қизғин бормоқда.

Ш.ОТАҚУЛОВ

ХАБАРЛАРИ

Maktab kutubxonasiga

СУВ ВА ҲАВОДЕК ЗАРУР

Мактаб учун сув ва ҳаводек зарур нарса, бу ўқув жиҳозлари, дарслик ва ўқитувчилардир. Хўш, синф раҳбари учун-чи?

Қулланма ва қўшимча материаллар, десак янглишмаймиз. Бизда синф раҳбарларига мўлжалланган мукаммал қулланмалар бор эдими?

Тўғриси, йўқ эди. Синф раҳбарлигига тайинланган ўқитувчи ўз билганича иш тутар, худди қайиқда эшкаксиз сузиб кетаётган кишига ўхшарди. Нимадир қилиб «жон сақлаш», тўғри маънода эса қандайдир усулда болаларни алдаб туриш керак эди.

Ниҳоят, синф раҳбарларига ҳам «кун туғди». Улар учун анча мукамал ишлаб чиқилган алоҳида қулланма яратилди. Навоий вилояти Нурота туманидаги 40-ўрта мактаб директори Зиёвуддин Қузиев ана шундай савобли ишга сидқидилдан киришиб, бунинг уддасидан чиқди.

Қулланма «Синф раҳбари ишини ташкил этиш ва режалаштириш» деб номланган бўлиб, 4 минг нусхада чоп этилди. Унга ёзилган сўзбошида қуйидаги жумлаларга кўзингиз тушади: «Мактаб ҳаётида, таълим-тарбия жараёнини бошқаришда синф раҳбарининг бошқалар билан алмаштириб бўлмайдиган ўзига хос ўрни бор. У мактабда жуда муҳим ва масъулиятли қиёфадир».

Синф раҳбарлари учун тавсия этилган мазкур қулланма 7 та бўлимдан таркиб топган. Мактабдаги ҳар бир жараёнда синф раҳбари иштирок этади. Унинг бурчи, вазифаси, ҳуқуқлари нимадан иборат? У педагогик жамоа билан қандай муносабат ўрнатиши керак? Синф раҳбари ўқувчилар жамоасининг ҳурматини қозониш учун нималарга аҳамият бериши лозим?

Табиий, саволлар кетидан саволлар туғилаверади. Қулланма билан танишиб чиққан ўқитувчи асло ютқизмайди. Ушбу саволларга жавоб топади. Айниқса, китобчадаги «Синф раҳбарининг оила ва жамоатчилик билан олиб борадиган ишлари» бўлими диққатга сазовор. Ҳозирги пайтда мактаб ва оила ҳамкорлигида узилиш рўй бергани аниқ. Ана шу ҳамкорликни тиклашга синф раҳбари катта ҳисса қўшиши мумкин.

Сўзимизни мухтасар қилиб шуни айтмоқчимизки, қулланма синф раҳбарлари учун сув ва ҳаводек зарурдир. Бу қулланма тарбия соҳасидаги ютуқларимизни янада кўпайтиради.

Г. САИДОВА

«Alifbe» bayrami

ЭНГ ЁРУҒ КУН ТААССУРОТИ

Илм масканига илк қадам қўйган ўқувчида қувонч, шу билан бирга андак хавотир бўлса-да, унинг назарида мактаб мўътабар, муқаддас даргоҳ. Одатда, бу тушунчага шикаст етказмасликка ҳаракат қилинади. Шу важданми ўқитувчини бола камолотидаги энг катта имкон, деймиз. Аниқроғи, у катталар оламидаги тушунча, тасаввурларни кичиклар онгида шакллантирадиган инсон.

Дарҳақиқат, бола бошланғич синф ўқитувчисида савод чиқаради, ўқишни, ёзишни ўрганиш орқали ўзга оламга йўл олади. Жараёнда қийинчиликларга дуч келади, баъзан инжиқлиги тутади. Негаки, жажжилар ўзини мактаб ўқувчиси, деб билсалар-да, улар ҳали ўйинлар дунёсини ташлаб улгурганлари йўқ. Бироқ бирор ҳарфни таниши, ҳижжалаб ўқиш малакасини эгаллаб бориши ҳар бир ўғил-қиз учун шодиёнага айланиб бораверади. Шу қувонч оғушида ҳарфлар пилла-пояларига сакраб-сакраб «Alifbe»ни ўзлаштирганини ҳам сезмай қоладилар. Ўзлаштирилган кун эса ҳар бир ўқувчи, ота-она, шунингдек, болага катта заҳматлар билан ҳарф танитган, илк бор қалам тутқазган ўқитувчи ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолади.

Ана шундай кунга бағишланган шодиёна Акмал Икромов туманидаги 229-мактабда бўлиб ўтди. Унда ота-оналар, устозлар, 1-Тошкент педагогика билим юрти 3-босқич талабалари иштирок этишди.

Саводхонлик байрамида жажжиларнинг бурро-бурро гапиришлари, шеър айтишлари, «Xayr Alifbe!», «Alisher Navoiy bilan muloqot» саҳна кўринишлари, қатра хандаларни ижро этишлари иштирокчиларда ҳайрат уйғотди...

Байрам сўнгида жажжи болажонларга ота-оналар қўмитаси аъзолари Лобар Ниёзова, Муборак Бекхўжаевалар совғалар улашишди. Болажонлар эса табассум билан биринчи ўқитувчилари — Барчиной Ҳайдарова, Нилуфар Умрзоқоваларга гуллар тақдим этишганда, гўё бир ҳақиқатни кашф этгандек бўлдик. Ўғил-қизлар ўқиш, ёзишни ўрганиб, ўқиш томон йўл олган кун ўқитувчи учун энг ёруғ кун бўлиб қолар экан. Ёруғлиги шундаки, улар болаларда муқаддас даргоҳ тушунчасига путур етказмай яна бир бор илк синовдан ўта билдилар. Зеро, бу — мактаб ҳаётининг илк синови бўлиш билан бирга улкан ва муҳим имтиҳони ҳамдир.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Тожикистонда тинчликка бўлган ҳаракатлар давом этар экан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мамлакат иқтисодини тиклаш учун навбатдаги дастурни таклиф қилган.

* * *

Бир неча олмон иқтисодчилари кейинги йилдан бошлаб Европада ягона валютани киритиш борасидаги режаларни қаттиқ танқид қилишди. Бир минг эллиқдан кўпроқ иқтисод бўйича олмон профессори Олмония ва Британиянинг энг таъсирчан рўзномасига очиқ хат ёзиб юборишган. Ушбу хатда айтилишича, ягона валюта киритиш борасидаги режаларини икки йилга кечиктириш керак. Уларни айтишларича, ягона валютани киритиш учун Олмония, Франция ва Италияда маъқул иқтисодий шароитлар мавжуд эмас.

* * *

Россия ва Қозоғистон расмийлари Астрахань шаҳрида учрашиб, Каспий денгизини миллий секторларга бўлиш борасидаги Россиянинг янги таклифларини муҳокама этишмоқда. Совет Иттифоқи парчаланиб кетгандан сўнг ушбу масала Каспийбуйи беш мамлакати орасида баҳсга айланди.

«BBC» (ЛОНДОН)

* * *

Қўшма Штатлар ва Саудия Арабистони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қурол йўқотувчиларининг текширувига йўл қўймасликнинг муҳим оқибатида Ироқ раҳбари Саддам Ҳусайн масъул эканлиги тўғрисида огоҳлантириш қилишган.

* * *

АҚШнинг Пекиндаги элчихонаси Хитойга қайтганидан кейин расмий кишилар томонидан қамоққа олинган Шинжондаги ўзгача фикрловчи Вонг Бинг Жангнинг вазияти кўздан кечирилаётганлигини билдирган.

* * *

Собиқ Совет Иттифоқида иш қилаётган тўрт нафар шимолий кореяликларга Жанубий Корея пойтахти Сеулга етиб боришлари билан инсонпарварлик нуқтаи назаридан бошпана берилган.

«Америка овози» (Вашингтон)

ОЛТИ ТИЛДА ЧОП ЭТИЛГАН МАКТАБ ДАРСЛИГИ

(Боши 1-бетда)

хусусиятлари эътиборга олинмасди. Энг ачинарлиси шундаки, бу дарсликларда мазкур фаннинг ривожланишига ҳисса қўшган маҳаллий олимларнинг ишлари эътибордан мутлақо четда қоларди. Бунинг натижасида ёш авлод ўз халқига минтақасига мансуб бўлган фан арбоблари, мутафаккирларнинг илмий меросларидан баҳраманд бўлолмасди, ғурурланмасди.

Узбекистоннинг мустақилликка эришиши муносабати билан маҳаллий олимларимиз томонидан барча фанлардан мактаб дарсликлари яратилишига имкон туғилди. Қувонарлиси шундаки, мактаб учун дарслик яратишдек муҳим ва ниҳоятда масъулиятли муаммони ҳал этишда қашқадарёлик олимлар ҳам фаол қатнашмоқдалар. Узбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фанлари доктори, профессор Баҳодир Аминов ва биология фанлари номзоди, доцент Туроб Тилововлар томонидан яратилган, 1995 йилда «Ўқитувчи» нашриётида беш юз ўн беш минг нусхада, ўзбек тилида чоп этилган «Одам ва унинг саломатлиги» дарслик китоби икки йил давомида республикамизнинг барча мактабларининг тўққизинчи синфларида 68 соатлик ўқув дастури асосида ўқувчиларга ўқитилиб, синовдан муваффақиятли ўтганлиги учун у 1997—1998 ўқув йилининг бошида 6 (ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик) тилда «Ўқитувчи» ва «Узбекистон» нашриётларида қарийб ярим миллион нусхада такрор чоп этилди.

Дарсликда Абу Бакр ибн Ахавий Бухорий, Абу Мансур Бухорий, Абу Сахл Масих Журжоний, Абу Райхон Беруний каби ватандош мутафаккирларнинг тиббиёт фанига қўшган ҳиссалари ҳақида зарур маълумотлар берилган. Айниқса жаҳон тиббиёт фани асосчиларидан бири сифатида тан олинган Абу Али ибн Сино қолдирган илмий мерос анча батафсил ёритилган.

Мазкур дарслик китобидан бир ўқув йили давомида сабоқ олиши натижасида 9-синф ўқувчилари одам танасининг тузилиши, хужайра, тўқима, орган ва органлар системасининг функцияси, аҳоли ўртасида кенг тарқалган касалликлар, уларни аниқлаш ва олдини олиш усулларини мукаммал ўрганадилар, экологик муаммоларнинг одам саломатлиги учун муҳимлиги, соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилиш нафақат ҳозирги авлоднинг манфаатлари учун, балки келгуси авлодни энг мақбул генетик дастур билан таъминлаш учун ҳам зарур эканлигини ҳис этадилар, тушунадилар деб ўйлаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур дарслик Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 декабрдаги 589-сонли қарори билан тадсиқланган «Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини мажмуали ҳал этиш»нинг кенгайтирилган дастурининг кўп қисмларини ўз ичига олган бўлиб, у ҳукуматимизнинг мазкур қарорини ҳаётга тадбиқ қилишнинг энг муҳим омили сифатида хизмат қилади.

О.ДАВРОНОВ, биология фанлари доктори, профессор, Г.ТЕМИРГАЛИЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, С.ЭШОНҚУЛОВ, олий тоифали биология ўқитувчиси

Mulohaza va takliflar

«ИМЛО ЛУҒАТИ»ДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ОСОНЛАШТИРАЙЛИК

(«Тутуқ белги»ли сўзлар ўрни ҳақида)

«Узбек тилининг асосий имло қоидалари»нинг 32-бандида ва 17-банднинг иккинчи абзацида ўзбек тилида товушнинг ифодаси бўлмаган, яъни товуш билдирмайдиган «Тутуқ белгиси» (апостроф) тўғрисида қоидалар келтирилган. Тутуқ белгиси яъни ўзбек алифбоси ҳарфлари орасида (26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмаси)да йўқ бўлса-да, аммо имлода, ёзувда араб тилидан ўзлашган кўплаб сўзлар таркибида мавжуд. Бундай сўзлар янги тузилаётган бир тилли, икки тилли ва кўп тилли луғатларда қаерда, қайси ҳарфдан кейин жойлаштирилиши зарурлиги, фойдаланиш қулайлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот келтирилганча йўқ. Арабча «айн»ли (тутуқ белгили) сўзларнинг луғатларда қатъий жойланиш ўрнининг белгиланиши, унга аниқлик киритилиши луғатлардан фойдаланишни осонлаштиради.

«Ўқитувчи» нашриёти томонидан 1995 йилда чоп этилган янги «Узбек тилининг имло луғати»ни кўздан кечирайлик.

Луғатнинг «А» ҳарфи билан бошланадиган сўзлиги (29—43-бетлар)да тутуқ белгили сўзлар жами ўн учта бўлиб, улардан етттитаси «А» сўзлигининг охирида (42—43-б.) тутуқ белгили сўзлар ички алифбо тартибида келтирилган (бироқ 43-бетдаги «аён» сўзи «a'yon» тарзида нотўғри ёзилган: «аён» сўзи «ayon» шаклида «apostrof»siz ёзилади). Қолган тутуқ белгили сўзлар «an'ana» (анъана), an'anaviy (анъанавий) сўзлари — 35-бетда; «al'amon» (алъамон) — 33-бетда;»ash'or» (ашъор) — 42-бетда ҳамда «as'asa-dabdaba, ash'or» сўзлари эса 39-бетда келтирилган. Шунингдек, 175-бетда «qal'a» сўзи... «qalt-qalt»дан; 179-бетда «qa'da», «qa'r» сўзлари... «qachon»дан; 187-бетда «qur'a», «qur'on» сўзлари «qurch»дан; 197-бетда «san'at» сўзи... «sanchqi»дан; 199-бетда «sa'va,..» сўзи... «sachratqi»дан, 218—219-бетлардаги «ta'b...» каби йигирма бешта тутуқ белгили сўз... «tashvish»дан сўнг жойлаштирилган.

Назаримизда, мазкур луғатда тутуқ белгили сўзлар янги ўзбек алифбосидаги ҳарфларнинг қатъий тартиби асосида эмас, балки тутуқ белгили сўз таркибидаги тутуқ белгисидан олдинги ҳарфдан сўнг қайси ҳарф охиргиси бўлса, ўша ҳарфдан сўнг тутуқ белгили сўз жойлаштирилган. Масалан, «va'da» сўзи «vashillamoq»дан кейин келтирилган...

Тутуқ белгили сўзларнинг бундай тартибда жойлаштирилиши изланаётган сўзни тез топишни қийинлаштиради. Тутуқ белгиси алифбода йўқ экан, демак у алифбодаги ҳарфларнинг—сўзларнинг жойланишига таъсир этмаслиги керак. Тутуқ белгили сўз янги алифбо (алфавит)даги ҳарфларнинг жойланишувига бўйсунган ҳолда жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Фақат бу ўринда тутуқ белгиси билангина фарқланадиган сўзларга изоҳ берилиши фойдадан ҳоли эмас. Дастлаб тутуқ белгисиз сўз, сўнгра тутуқ белгили сўз изоҳи билан келтирилади. Масалан, ...davo (davo topmoq, русча «лечится» маънosida), da'vo (da'vo qilmoq, русча «претендовать» маъносида), сўнгра эса da'vogar, davolamoq, davolanmoq, davolatmoq, davolashmoq, da'volashmoq, davom,... тарзида келтирилади. (жадвалга қаранг).

Тутуқ белгиси қатнашган сўзларни юқоридаги тартибда жойлаштирилиши, яъни тутуқ белгиси қайси ҳарфдан кейин қўлланилса, ўша ҳарфдан сўнг ички алифбо тартибида тутуқ белгили сўзнинг жойлаштирилиши луғатлардан тез ва осон фойдаланиш имкониятини яратади.

Янги ўзбек алифбоси сирасидаги ҳарфларнинг 29-си «ng». Бу товуш билан ўзбек тилида сўз бошланмайди. Демак «ng»сўз бошида қўлланмайди; «ng» сўз ўртасида ва сўз охирида қатнашади. «ng»ли сўзлар назарий жиҳатдан (қабул қилинганидек «ch» дан кейин келтирилиши керак эди. Аммо амалда эса «...n»дан сўнг берилиши ҳар тарафлама мақсадга мувофиқдир. Яъни «...andisha,«...anglamoq, ...angraymog, angrov сўзлари «a» билан бошланадиган сўзларнинг охирида келтирилишидан кўра янги алифбо тартибида «...n...»дан кейин жойлаштирилиб, тўғри йўл тутилган. Бу ҳолат янги алифбо (алфавит)ни ёд биладиганлар учун бирмунча қулайдир.

Таълим тизимининг биринчи синфлариданоқ, ўрганилаётган алифбодаги ҳарфларнинг жойлашиш тартибини ёд билишнинг алоҳида амалий аҳамияти борлиги таъкидлаб келинади. Ҳар қандай луғат китоби алифбо тартибида тузилади. Бу луғатдан фойдаланишни осонлаштиради, керакли сузни луғатдан тез топиш имкониятини яратади. Таассуфлар бўлсинки, «Узбек тилининг имло луғати» (1995)нинг 101, 104, 123, 124, 149, 156, 170, 174, 210, 226, 229, 231, 240, 248, 255, 267, 280,281-саҳифаларида янги алифбо тартиби бузилган. Шунингдек, ўша луғатнинг 29-бетида «adabiy-publitsistik», 38-бетида «atsetilen», 101-бетида «is'hoq» 118-бетида «koeffitsiyent», 120-бетида «kottej», 167-бетида «pechakgul», 169-бетида «plasdarm, plaskarta», 178-бетида «qayni», 260-бетда «ziyon-zaxmat», 261-бетида «zo'g'ota», 288-бетида «cho'g'»сўзлари нотўғри ёзилган. Шунингдек, луғатнинг 5-бетида «nina» сўзи 95-бетида «niyna» тарзида икки хил келтирилиши ҳам ўқувчи-талабани чалғитади. Булардан ташқари онгимизга, хотирамизга мустаҳкам сингиб қолган талайгина қўшиб, ажратиб ва чизиқча билан ёзиладиган сўзлар қўлланилишида ҳам ҳар хилликлар учрайди. Буларга аниқлилар киритилиши, ўзгартирилган ҳолатлари очиқ тушунтириб берилиши имло саводхонлигини таъминлайди. Республикамизда лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосининг жорий этилганлиги муносабати билан янги алифбода умумий ўрта таълим босқичлари — бошланғич таълим (I—IV синфлар) ва умумий ўрта таълим (I — IX синфлар), академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига мўлжалланган, пишиқ-пухта тайёрланган, алоҳида-алоҳида имло луғатлари ҳамда янги ўзбекча-инглизча, ўзбекча-немисча, ўзбекча-испанча, ўзбекча-французча каби икки ва ҳатто уч тилли луғатларни яратиш шу куннинг долзарб вазифаларидандир.

Суннатулла РИЗАЕВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг доценти,филология фанлари номзоди

...	....	...	...
mana	surat (rasm)	tana I(badan)	sher (arslon)
manaman	sur'at (tezlik)	tana II(buzoq)	sher (nazm)
ma'naviy	suratkash	ta'na(minnat; tanbeh)	sherik
ma'naviyat	suratli	tanaffuz	sheriklik
ma'no	suratxona	ta'nali	sherikchilik
manba	suratchi	tanavor	she'riyat(poeziya)
mangu	surbet	tanazzul	sherlarcha
ma'rifat	surbetlarcha	ta'nachi	she'rxon
marjon	surbetlik	tanbal	sheva
...	...	...	...

ЭЛ ДЕСА НАВОИЙНИ...

Мамлакатимизнинг турли бурчакларида Мир Алишер Навоий таваллудининг 557 йиллик юбилейи қизғин нишонланмоқда. Куни кеча Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейида ҳам худди шу санага бағишланган кеча бўлиб ўтди. Бу кечада сўзга чиққан адабиётшунос олимлар Абдурашид Абдуғофуров, Абдуқодир Ҳайитметов, Султонмурод Олимовлар Ҳазратнинг яратган ижодий мероси, унинг ўзбек адабиётида тутган ўрни ҳақида тўхталиб, ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Шунингдек, бу кечада Навоий сиймосини ифодаловчи шеърлар, бобомиз ғазаллари ва ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар ҳамда ўқувчилар томонидан тайёрланган Навоий ҳаётидан олинган кичик саҳна кўриниши кечага файз бағишлади.

Учрашув якунида ўқувчилар келган меҳмонларга ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Аслиддин СУЮНОВ, Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейи талабаси

Oliy o'quv yurtlarida

ЗИЁ МАСКАНИ УФҚЛАРИ

Таълим йўналишидаги ислоҳотлар орасида фикр юритар эканмиз, Олий Мажлиснинг IX сессиясида «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги оламшумул воқеа бўлди.

Қарши Давлат университетида бу борада олиб борилаётган ишлар, мавжуд. Муаммолар хусусида университет ректори, фалсафа фанлари доктори, профессор Назар Ҳакимов билан суҳбатлашдик.

— Университетларингизда таълим йўналишидаги ўзгаришлар қандай кечаяпти?

— 1997 йил 1 сентябрдан бошлаб, 200 нафарга мўлжалланган «Бизнес мактаби» очилиши билан бу йўналишдаги фаолиятимизни бошлаган эдик. Бу мактабда бизнес соҳасидан ташқари «Иқтисод», «Ҳуқуқшунослик» ва техника соҳалари бўйича кичик мутахассисликлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

Бундан ташқари хорижий тилларга эътиборни кучайтирдик. Университетимизда чет тили факультети ва вилоят тил ўрганиш Маркази мавжуд. «Умид» жамғармаси танловида ғолиб бўлган талабаларимиз Собир Ражабов Ҳиндистоннинг Калькутта дорилфунунида Гўзал Расулова АҚШ университетларидан бирида ўқишни давом эттирмоқдалар. Англиянинг Кембриж, Оксфорьд, Олмониянинг Мюнхен, Ҳиндистоннинг Калькутта, Канада университетлари билан илмий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганмиз.

— Жаҳонга юз тутишлик, аввало ҳозирги замон техникасини ўзлаштириш билан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу борада қандай ишлар қилиняпти?

— Компьютер ва ҳисоблаш технологияси каби замонавий қурилмаларсиз олдинга силжиш мумкин эмас. Ривожланиш, ўсишнинг асосий белгиси замон билан ҳамнафас бўлиб, замонавий техника ва технологиядан унумли фойдаланишга боғлиқ. Шу боис ҳам университетимизда компьютер ва ҳисоблаш техникасини ишлата билишни, таъмирлашни, такомиллаштиришни, маркетинг, менежмент соҳаларига оид мутахассисликларни тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратганмиз.

Шу йилнинг ўзида «Ахборотлар технологияси» Марказимизга 30 дона замонавий компьютер техникаси олдик. Буларда университетимизда фаолият кўрсатаётган «Халқаро бизнес» мактаби, Бизнес инкубатор, «Бизнес», «Ташқи алоқалар», «Тадбиркорлик» марказларида машғулот олиб боряпмиз.

— Сир эмаски, маблағ масаласи барча соҳанинг оғриқ нуқталаридан бўлиб турибди. Сизларда бу масала қандай ҳал қилиняпти?

— Рости, бу масала билан ҳар куни шуғулланишимизга тўғри келади. Маблағ топишга имконият излаяпмиз. Шуни ифтихор билан айтишим мумкинки, ҳаракатларимиз зое кетмаяптики, 1996 йилда 4 млн. сўмдан ортиқ, 1997 йилда 30 млн. сўмдан ортиқ сармоядан ташқари маблағ топдик. Шулар эвазига университетимизнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, профессор-ўқитувчилар ва талабалар, жамоа ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш кучайтириляпти.

Мевали дарахтнинг ҳосили юртга берган нафи билан ўлчанади. Университет кафедраларидаги 22 йўналиш, 27 мутахассислик бўйича тайёрланаётган талабаларимиз орасидан юқорида зикр этилган ажойиб инсонларга ўхшашлар етишиб чиқса ажаб эмас. Мутахассисларнинг дунёқарашини бойитиш мақсадида йилнинг ўзида 720174 сўмга 8614 дона китоб олдик. Университетнинг талабалар учун ўқув бинолари, тадқиқот ва ўқув тажриба хоналари, кабинетлари, ёритиш ва иситиш тармоқлари тўлиқ таъмирланди. Ушбу ҳаражатларга вазирлик томонидан ажратилган сармоядан 6 млн. сўм сарфланди. Нима учун ушбу рақамларни тилга олиб ўтдим. Сабаби, қилинаётган ишлар, сарфланаётган маблағлар изсиз кетмаслиги керак, албатта.

Шахс камолоти ҳақида сўз борар экан, бу борада университетимиз олдида турган энг муҳим ва долзарб масала Она юртга асқотадиган, фидоий ва содиқ мутахассисларни тайёрлашга бор билимимизни, тажрибамизни сарф этмоғимиз лозим, деб ўйлайман.

— Назар ака, зиё маскани-нинг уфқларини сиз яна нималарда кўрасиз?

— Аввалом бор, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг иш олиб бориш, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» белгилаган масалаларни ҳал этишга ҳисса қўшиш орқали, мамлакатимиз қудратини оширишга, янги-янги ютуқларни қўлга киритишда нурли уфқларни кўраман. Жаҳон бизга ҳавас қилсин, биз эса ривожланган мамлакатлар сафига кириб олайлик дейман. Бунинг учун биз миллий спорт ўйинларига, умуминсоний қадриятларимизга, маданий ва маърифий соҳадаги ишларимизга, одоб-ахлоқ ва ҳуқуқий ва экологик тарбияларга янада эътиборни кучайтирмоғимиз зарур.

Суҳбатдош Шерали ҲАБИБУЛЛАЕВ

Bolalar bog'chalarida

ТУМАНДАГИ САРА БОҒЧА

Боғчада саронжом-саришталик ва ўзига хос иш тартиби ҳукмрон. Бу ерни Пахтакор туман халқ таълими бўлимига қарашли боғчаларнинг энг сараси дейиш мумкин. Тарбияланувчилар 120 нафар, гуруҳлар 6 та, 15 нафар тарбиячи ва энагаларни доимо иш устида учратасиз. Боғча мудираси Зебихон Усмонованинг таъкидлашича, жамоа ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш йўлларини ахтармоқда.

Боғча «Пахтакор» ширкат уюшмасидан ер олган бўлиб, ўз эҳтиёжлари учун керак бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экишди. Картошка, сабзи-пиёз дегандек... Ёз ва қиш ойларида боғча опаларнинг рўзғоридан барака аримайди.

Боғчада «Баҳора» болалар фольклор дастаси фаолият кўрсатаяпти. Қаердаки тадбир бор, «Баҳора» шу ерда. Концертдан тушаётган пулларга боғча учун керакли жиҳоз ва буюмлар сотиб олишмоқда. «Баҳора» аъзолари ўтган йили ўтказилган «Ўзбекистон қўшиқ байрами»да қатнашиб, туманда 1-ўринни эгаллашганди. Уларга Халқ таълими вазирлигининг компьютери берилди.

Туманда тез-тез «Соғлом авлод учун» танлови бўлиб туради. «Баҳора» болалар боғчаси ушбу танловнинг доимий иштирокчиси. Туман миқёсида «Йилнинг энг яхши тарбиячиси» деб тан олинган тайёрлов гуруҳи рабари Санобар Тиловова жамоа фахри. Тарбиячи Зулфия Жумаева ҳам болаларнинг суюкли опаси. Услубчи Гулноза Рўзихонова тарбиячиларнинг маслаҳатгўйи.

Э.ЎРОҚОВ

ОИЛА — МУҚАДДАС МАСКАН

«Оила ҳақида гапирар эканмиз, аввалабмор оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак наслар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор».

И. А. КАРИМОВ

ЙИГИТЛАР БЕЛЛАШУВИ

Бу йил оила йили. Барчамиз оиланинг таянчи ҳам аёл, ҳам эркак эканини яхши биламиз. Оиланинг бошлиғи эса эр кишидир. Ана шу маънода Сурхондарё вилояти Денов тумани «Хазарбоғ» жамоа хўжалигидаги ҳунар лицейи талабалари ўртасида «Йигит — оила бошлиғи» номли кўрик-танлов ўтказилди. Унда 5 нафар талаба йигитлар иштирок этиб, оила қуришга тайёргарлик, инсонийлик ва мардлик мавзуларида баҳслашдилар. Танловда талаба К. Фармонов ғолиб чиқди. Унга ва бошқа иштирокчиларга танлов ҳомийси, «Аҳил» фирмасининг бошлиғи А. Умаров эсдалик совғалари тақдим этди.

Фотима ЖУМАЕВА

Sharh

МИЛЛИЙЛАШТИРИЛДИ

Оила — давлатнинг моддий ва маънавий негизи. Улар иштирокида жамият ривожланади, истиқболга юз тутади. Бинобарин, оила — жамият устқурмаларидан бири.

Амалдаги «Никоҳ ва оила» кодексини янгилаш зарурати туғилди. «Оила» тушунчасининг «никоҳ» сўзидан кўра кенгроқ маъно англатиши ҳисобга олинган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 июлдаги 289 «Ф» сонли Фармойишига кўра, бу кодексни умумлаштириб, «Оила» кодекси деб аталадиган бўлди. Кодекс лойиҳаси Олий Мажлиснинг X сессиясида бир ўқишда тасдиқланиб, кенг жамоатчиликка муҳокама учун тақдим этилди.

Хўш, «Оила кодекси» қандай ҳужжат? У қайси жиҳатлари билан аввалгисидан фарқ қилади?

Биз ана шу саволларни шарҳлаб бериш учун Республика адлия вазирлиги фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси МУЯССАР МАДУМАРОВАни суҳбатга чорладик.

— Аввалги кодекс 6 бўлим, 275 моддадан иборат эди. Мазкур лойиҳа эса 8 бўлим, 265 та моддани ўз ичига олади. 1-бўлимнинг «Умумий қоидалар» деб номланиши ва унинг 5-моддасида **«Оилавий муносабатларда маҳаллий одат ва анъаналарнинг қўлланилиши»** белгилаб берилиши ўзлигимизни англаш йўлидаги дадил қадам бўлди. Унда оила қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда оилавий муносабатларни тартибга солишда **маҳаллий урф-одат ва анъаналар** қўлланилиши қайд этилган.

Лойиҳанинг «Никоҳ» деб номланган иккинчи бўлимида никоҳдан ўтиш ҳамда никоҳни бекор қилиш шартлари кўрсатилган. Бу бўлимнинг 18-моддаси никоҳдан ўтаётган шахсларнинг ўз розиликлари билан **тиббий кўрикдан ўтишларини** кўзда тутади. Бу эса соғлом оила ва баркамол авлодни яратишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Аввалги кодексда бўлмаган «Никоҳ шартномаси» тушунчаси ҳам мазкур лойиҳага янгилик сифатида киритилди (30-модда). **«Никоҳ шартномаси»** томонлар хоҳишига кўра тузилиши мумкин бўлиб, эр-хотин ўртасидаги мулкий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Бу шартнома мутлақо ихтиёрий. У бир томоннинг ҳуқуқларини бузиши ёки иккинчи томонни қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин эмас. Шартнома маълум шартларни назарда тутади ва уни бекор қилиш тартибларини ҳам белгилайди.

Амалдаги кодексда суднинг эр-хотинни яраштириш чораларини кўриши ёзиб қўйилган бўлса, мазкур лойиҳада бу ҳолат янада чуқурлаштирилган. Яъни суд **эр-хотинни яраштириш чораларини кўриб,** жумладан, ажралиш тўғрисида келиб тушган аризалар ҳақида **маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталарига** хабар бериб, улар билан биргаликда оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Аввал эр-хотин суднинг ажрим тўғрисидаги гувоҳномасини олгунларига қадар никоҳ бекор қилинмаган ҳисобланар эди. Бу эса турли ҳуқуқий муаммоларни, можароларни келтириб чиқарарди. Лойиҳада бу жараён анча соддалаштирилган. Яъни **суднинг никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ажралганлик тўғрисидаги гувоҳномасига тенглаштирилиши** белгилаб қўйилди.

Учинчи бўлимнинг «Қариндошчилик ва қуда-андачилик» боби ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Бу бобда қариндошлик тушунчаси, кишиларнинг бир-бирларига яқинлиги қариндошчилик билан белгиланиши, тўла ва тўла бўлмаган қариндошлик ҳамда қайин-бўйинчилик, қуда-андачилик муносабатлари ўз аксини топган. Бу эса мерос масалаларини, қондош ва ўгай ака-укалар, опа-сингиллар муносабатларини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчи бўлим «Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари» деб номланди. **Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи, унинг манфаатига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи, оилада хусусий мулки бўлиши мумкинлиги** изоҳлаб берилди.

Шунингдек, лойиҳада **«Оила аъзоларининг алимент мажбуриятлари», «Ота-она васийлигидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш усуллари» (фарзандликка олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахслар доираси), фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тизимига тааллуқли бўлган бир қанча** ўзгаришлар ҳам ўз аксини топганки, буларнинг барчаси миллий қадриятларимизни тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ ХУСУСИДА

Тартиб-интизомнинг энг зўр мактаби — оила.

С. СМАЙЛС.

* * *

Ўзбошимчаликни ёнгинидан ҳам тезроқ ўчирмоқ зарур.

ГЕРАКЛИТ.

* * *

Фарзандингизни толесиз қилишингизнинг энг синалган усули қандайлигини биласизми — у нима деса, ҳаммасига хўп денг.

Ж. Ж. РУССО.

* * *

Бола тарбияси учун давлатни бошқаришдан кўра ҳам теранроқ мушоҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик керак.

У. ЧЭННИНГ.

* * *

Босилган қадам — одатга, одат — характерга, характер эса қисматга айланади.

У. ТЕККЕРЕЙ.

* * *

Агар болалар меҳнат қилишга ундалмаганларида на саводхонликка, на мусиқа, на гимнастикага, ҳаттоки инсонда эзгуликни мустаҳкамловчи номусга ҳам ўрганмаган бўлар эдилар. Одатда номус ана шу машғулотларнинг етарлигидан дунёга келади.

ДЕМОКРИТ.

* * *

Миллатнинг келажаги оналар қўлидадир.

О. БАЛЬЗАК.

* * *

Бизга яхши оналарни беринглар, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз.

ЖАН ПОЛЬ

* * *

Битта ота юзта ўқитувчидан устун демакдир.

Ж. ГЕРБЕРТ.

* * *

Отанинг қаттиққўллиги — ажойиб дори: аччиғидан кўра ширини кўп.

ЭПИКТЕТ.

* * *

Ўз болаларини ўта ясантириб қўйиш ва уларни эркалатиб юбориш ақлдан эмас.

И. Т. ПОСОШКОВ.

* * *

Болага сажда қилманг: улғайганда у жонингизни олади.

П. БУАСТ.

* * *

Ҳатто болалар билан муомалада ҳам тўғри сўз бўл: бирон нарса ваъда қилдингми бажар, акс ҳолда уни ёлғончиликка ўргатасан.

Л. Н. ТОЛСТОЙ.

* * *

Қобилияти бўлмаса мажбурлама!

Я. КОМЕНСКИЙ.

* * *

Умуман барча ахлоқсиз муносабатлар ичида болаларга тўраларча муносабатда бўлиш энг оғир ахлоқсизликдир.

Г. ГЕГЕЛЬ.

* * *

Ўрнак кўрсатиш ваъз-насиҳатга қараганда ҳар доим кучлироқ таъсир қилади.

С. ЖОНСОН.

* * *

Фарзандларингиз қабрингиз устида йиғлай олишлари учун уларнинг кўз ёшларини тўкманг.

ПИФАГОР.

* * *

Шундай ғаройиб оталар ҳам борки, улар то умрларининг охиригача фақат фарзандларини ўзларидан бездириш билангина шуғулланадилар.

Ж. ЛАБРЮЕЙР.

(«Тафаккур гулшани»дан)

ОЙША ОПАНИНГ ЎГИТЛАРИ

Оила ота-она ва фарзандлардан таркиб топади. Вақт ўтиб, унинг сафига келин-куёвлар, невара, чевара, эваралар қўшилиб, кенгаяди. Оила турмуш чорраҳаларида тобланади, шаклланади, обрў қозонади ёки аксинча... Оиладаги иқлим мўътадилми, демак униб-ўсаётган ўғил-қизлар ҳам ҳаётдан ўз ўринларини топишади. Ота-боболаримиздан бизга қадар етиб келган қадриятлар оилада қадрланадими, демак, унинг аъзолари турли иллат ва ёмонликлардан йироқ юришади. Урф-одатларимизга ҳурмат билан қараладими, ўша хонадон камол топади.

«Одобнома» дарслигининг муаллифларидан бири Ойша Тўраеванинг ўгитлари кўп. Тинглаб зерикмайсиз. Опа гоҳ зангори экранда, гоҳ учрашувларда кўриниш беради ва жўяли маслаҳатлари билан мухлислар қалбига йўл топади.

Дарвоқе, муштарийларимизга Ойша Тўраевани таништириб ўтиришимизнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак. У киши Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг педагогика кафедрасида 40 йилдан бери ишлаб келмоқда.

Оилашунос олиманинг биз сизга улашган ушбу мақоласида ўгитлар, оила, бола тарбияси, ота-она бурчи, вазифалари хусусида гап кетади.

Мен айтаман, сиз эшитинг. Одамзот ер юзида пайдо бўлибдики, бола тарбияси билан ҳар қачон қизиққан. Чунки фарзандлар улғайиб, эл-юрт корига яраб, ота-онага қариган чоғларида суянчиқ бўлишлари керак. Бизда ота-боболаримизнинг минг-минг йиллик педагогикаси бор. Бу аввало турмушимизнинг ҳар бир лаҳзасида, ҳар бир ҳолатида акс этади.

Ота-боболаримиз фарзанд ўстирар эканлар, уларнинг хулқу атворига, гап-сўзларига, кишилар олдида ўзларини қандай тутиб, нима ҳақида фикрлашларига катта аҳамият беришган. Қўрслик қилиш зарурати бўлмаса-да, маҳмаданалик қилиб, бўлар-бўлмасга катталар суҳбатига аралашишларига зинҳорбазинҳор йўл қўймаганлар. Бу ҳолатлар фарзанд тарбиясининг энг муҳим жиҳатлари ҳисобланган.

Мен ўзбек аёлига хос энг ажойиб хислат — мулойимлик эканлигига тан берганман. Нега деганда, қўрслик, қўполлик, дағаллик аёлларга ярашмайди. Бинобарин, қиз бола тарбиясида ҳам мулойимлик унинг руҳиятига чуқур сингиши керак. Халқимизда «Она қизига тахт эмас, бахт ясайди», деган нақл бор. Қиз боланинг бахти онаси берган тарбияга жуда ҳам боғлиқ. Она қизига ҳаётнинг паст-баландини, турмушда учрайдиган мураккаб вазиятларни тушунтириши керак.

Қиз бола — бўлғувси уй бекаси. Саранжом-саришталик, овқат тайёрлаш, кир ювиш, дазмол босиш, дастурхон тузатиш, бичиш-тикиш, меҳмон кутиш каби юмушларни она қиз бола дастёрлигида бажарса, буларнинг бари ҳаётда унга асқотади.

Қиз боланинг шарму ҳаёси унга гултождир. Ориятли, уятли, андишали бўлган қиз бахт топган. Бундай қизларга ақлмулоҳаза ҳам йўлдошдир. У бу фазилатларни ўзининг энг яқин кишилари ўртасидаги муносабатлардан уқиб олади.

Оилада ота-она фарзанд учун ибрат мактаби. Отасининг қўлида қадаҳ тутиб, ичкилик ичиши бола учун ҳам қизиқ. Агар эр ёки хотин болалари олдида беҳаё, бачкана сўзларни айтаверсалар, бир кун келиб, болалари ҳам шунга ўрганишади.

Ота ва онанинг ҳар бир ҳаракатини болалар такрорлашини унутмаслигимиз керак. Демак, уларга биз фақат яхши фазилатларимизни кўрсата олсак, шубҳасиз, улар ҳам буни ўзларида мужассамлаштиришга уринишади.

* * *

Менинг бир танишим бор. Пиру бадавлат Рухсора ая. Юз-кўзидан нур ёғилувчи бу кампирнинг ўз ота-онаси ҳақидаги хотираларини тинглаганман.

— Мен онамнинг ўринлари ёйиқ турганини бирор марта кўрган эмасман. Улар ҳеч вақт биздан аввал ётган эмаслар. Қачон ётиб, қачон турганларини кўрган эмасдик. Раҳматлик отамиз асло бизнинг олдимизда овозларини кўтариб гапирмасдилар. Акаларимга эса «қиз бола гулдай нозик, опа ёки сингилни сенсираш онани беҳурмат қилмоқдир», дердилар. Уйимизда меъёридан ортиқ хохолаб кулиш, эснаш, керилиш беадаблик ҳисобланарди. Бирор ножўя ҳазил ёки бачкана қилиқ рўй берса, отам маънодор томоқ қирсалар бўлди, бу биз учун танбеҳ эди.

Қизлар хонаси алоҳида, ичкарироқда, меҳмонхона эса дарвоза олдида эди, оғир юмушларни акаларимиз бажаришарди. Онамиз қизлар одоби, ибоси ҳақидаги ривоятларни бизга кўп айтиб берардилар. Биз у киши билан яқин сирдош эдик. Акаларимизга қиз боланинг қадр-қиммати ҳақида бот-бот эслатардилар. «Қиз бола чинни пиёла. Унга қаттиқ тикилсанг ҳам дарз кетади, болам, назаринг пок бўлсин! Кўчакўйда бировларнинг қизларига гап отиш, ранжитиш мўминлар иши эмас!»

* * *

Ўғил-қизнинг келажагини ҳар бир ота-она ўйлайди. Лекин улар орасида қизларининг бахтини эмас, тахтини ўйлайдиганлар кўпайиб кетяпти назаримда. Бойбадавлат хонадонлар билан қуда-андачилик қилиш, мартабали хонадонларга ўз қизларини узатиш ёки келин олиш пайидан бўлишмоқда.

Эски картани айлантираяпти, деманг, болам. Мен фақат пешона тери билан ишлаб топилган мол ўша хонадонга бахт ва барака олиб киришини эслатиб қўймоқчиман, холос. Эгри йўллар билан ишлаб топилган бойлик оилага бахтсизлик олиб киради.

Қиз чиқарадиган ота-она, албатта, куёв томонни суриштиради. Ота-онаси қанақа одамлар эканини, куёвнинг хулқ-атворини, касб-корини, маҳалла-кўйда, қариялардан сўраб, кўнгилини тўқ қилсалар яхши, негаки буни умр савдоси дейдилар.

Оналар қизларини келин бўлиб тушгач, янги хонадоннинг раъйига қараб иш тутишга тайёрлаб боришлари керак. Қайнона, қайнотага мулозамат, қайинбўйинларига муомала-муносабат, бекалик вазифаси, келинлик зийнати ва ҳоказоларни тушунтиришлари шарт. Зийраклик, покизалик, саришталик, сабр-қаноат аёл кишининг ҳусни, борган ерида тиниб-тинчиб кетиш чораси эканини қизнинг қулоғига қуйиб бориши керак.

* * *

Фарзандлар оила қуришдек бахтга сазовор бўлар экан, шубҳасиз, бу уларнинг ота-оналари учун ҳам қувончли воқеадир. Оилавий ҳаётда қайнота ва қайнонанинг келин-куёвга муносабати ғоят мураккаб ва нозик туйғулар билан йўғрилган. Дастлабки кезлардаги ўзаро самимийликни бир умр сақлаб қолиш мумкинми? Мен мумкин деб ҳисоблайман. Афсуски,буни ҳаёт дейдилар, у ёки бу сабабларга кўра муносабатларнинг чигаллашиб кетиш ҳолларини кузатамиз. Келин рўзғор ишларини эплолмайди, уқувсиз. Куёв калондимоғ, мағрур. Аксарият пайтларда қайноналаримиз инжиқ, такаббур, улар келинларга ўз қизларидек муносабатда бўлолмайдилар. Куёв—ёв деб қарашади улар. Нечук она ўз қизига ачинадию, келинига нисбатан раҳмсиз? Ахир, келин ҳам фарзанд-ку?

Мен 5 келинга қайнонаман.

Келин бамисоли бир ниҳол. Уни авайлаб, парваришлаб ўстирилса, баҳраманд бўлиш мумкин. Бунинг учун қайнона унга ўз фарзандидек муносабатда бўлсин! Билганини мақтаб, билмаганини ўргатсин!

Куёв ҳам ўғилдир. Унинг мустақил оилавий турмушига ёрдам бериш, лекин ҳуда-беҳудага аралашавермаслик керак.

Қайнона, қайнота келин ва куёвнинг ижобий хислатларини мақтаб, кўкларга кўтарса, улардан фақат лозим бўлган пайтда маслаҳат ва амалий ёрдамларини аямаса, ёш оиланинг мустаҳкам томир отишига ҳисса қўшган бўлади.

Бағрикенглик — бизнинг хислатимиз. Агар қайнона, қайноталаримиз ана шу хислат эгаси бўлишса, одилона иш юритишса, келинни ўз фарзандларидек кўришса, яхшисини ошириб, ёмонини яширса, келин-куёв тинч-тотув яшаб кетишади. Меҳр-муҳаббат уларга бир умр ҳамроҳ бўлиб қолади.

* * *

Олим бўлиш ҳам, одам бўлиш ҳам осон эмас.

Доно халқимиз наслинг, мансабинг, бойлигинг, хуллас, ким бўлишингдан қатъи назар, аввало инсон бўлгин, деб уқтиради. Инсонга зийнат бағишлайдиган фазилат одоб-ахлоқдир. Одоб илми яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги мураккаб муаммоларни таҳлил қилади. Инсонни комилликка чорлайди. Ҳар бир одам бир олам. Унинг одоби яна бир олам. Шахснинг зоҳирий ва ботиний олами унинг юриш-туришида, хатти-ҳаракатида акс этади.

Комил инсон одамийдир. У меҳр-муҳаббатни, раҳм-шафқат ва диёнатни, ҳаё-иффатни, назокатни, вафою садоқатни, иззату ҳурматни, иймон-эътиқодни ҳамма нарсадан устун қўяди. Биз бу хислатларни жамлаб, ахлоқ деб таърифлаймиз.

Яхшининг ёмон бўлиши осон, лекин ёмоннинг яхши бўлиши қийин. Дунёда одам боласи ёмонлик билан яхшиликнинг остонасида туради. Арзимас ички ёки ташқи сабаб билан у ўша остонадан тойиб, ё яхшилик томон, ё ёмонлик томон кетиши мумкин.

Одоб илмининг ўқитилиши хусусида муаллимларимизга шундай деган бўлардим. Фақат дарслик билан чегараланиб қолиш сизнинг имкониятингизни чеклайди. Алломаларимиз ўгитларини ўрганинг! Халқ оғзаки ижодидан фақат ҳикмат топиш мумкин. Ҳикоят, ривоят, афсона, эртак, чўпчак, топишмоқ сизнинг маънавий дунёнгиздан жой олиши керак.

* * *

«Маърифат»нинг муштарийлари, биламанки, ўқитувчилар. Улар ёмонлик дунёсидан нарида яшайдиган кишилардир. Шундай бўлса-да, мен азиз ва муътабар муаллимларимизнинг қалб оламини минг бора айтилиб, минг бора тан олинган ҳақиқат билан бойитгим келди.

Оила — муқаддас даргоҳ. Унинг шаъни — сизнинг шаънингиз. Уз оилангизнинг обрўсига путур етказадиган хатти-ҳаракатлардан сақланинг!

Ҳаётнинг лаззати — ширин турмушда. Эр-хотин иноқ, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишса, бу оила бахтидир. Зеро, замин яхши бўлса, ниҳол бешикаст ўсади.

Оилавий бахт — сизники! Унинг қадрига ета билинг! Ҳеч қачон маърифат сизни тарк этмасин!

Олиманинг фикрларини оққа кўчирувчи Хулкар ТЎЙМАНОВА

ЖАННИ РОДАРИ ЭРТАК ТЎҚИЙДИ

Жанни Родари — Италия ёзувчиси. У болаларни жуда севади, уларнинг дунёқарашини ўрганиш учун мактабда ўқитувчи бўлиб ҳам ишлаган. Ёзувчи болаларга кўпроқ мустақиллик бериш тарафдоридир. Улардаги шахсий қобилиятни такомиллаштиришларига мактаб, ота-оналар аҳамият беришлари керак, деб ҳисоблайди Жанни Родари.

Ёзувчи минглаб эртаклар тўқиган. Буни у болаларни зериктирмаслик ёхуд завқлантириш учун қиларди. Зеро, эртак узун-қисқалигидан, қаҳрамонларидан, давридан қатъи назар, замирида яхшилик ётади, ҳақиқат улуғланади.

Жанни **РОДАРИ**

ТЕСКАРИ САВОЛЛАР

Бор экан-да, йўқ экан, бир бола яшаган экан. У кунни ўтган-кетганга савол бериш билан ўтказаркан. Бунинг ҳеч ёмон томони йўқ, аксинча, ҳавас, қизиқиш яхши одат, ҳар қанча мақтаса арзийди. Лекин энг чатоқ жойи шунда эканки, бу боланинг саволларига ҳали ҳеч ким жавоб беролмаган экан.

Масалан, у бир куни келиб:

— Нега яшикларнинг столи бор? — деб сўрабди.

Одамлар ҳайрон бўлиб қарашар ёки ҳар эҳтимолга қарши шундай жавоб қилишаркан.

— Яшиклар у-бу нарса солиб қўйиш учун хизмат қилади. Масалан, айтайлик, қошиқ-вилкалар солиб қўйилади.

— Яшикларнинг нима учун кераклигини ўзим ҳам биламан. Нега яшикларнинг столи бор?

Одамлар бош чайқашиб, унинг олдидан тезроқ кетиб қолишаркан.

Бошқа сафар у:

— Нега думнинг балиғи бор? — деб сўрабди.

Ёки бўлмаса:

— Нега мўйловнинг мушуги бор? — деб сўрабди.

Одамлар ҳайрон бўлишиб, елкаларини қисиб кетишга шошиларкан, чунки ҳамманинг ўз иши, ўз ташвиши бор экан.

Бола ўсиб-улғайибди-ю, лекин ўша «негалаб» савол бериш одатини ташламабди, саволни эса тескари берарқан. Ҳатто катта бўлганида ҳам ҳаммага савол бериб юраркан. Унинг ҳафсаласи жуда пир бўлибди, чунки саволлари ҳамон жавобсиз қолаётган экан. Бола тоғ чўққисига тескари чиқиб кетибди, у ерда ўзига кулба қурибдида, ётиб олиб янги-янги саволлар тўқий бошлабди. Уйлаб топган саволларини дафтарига ёзиб борибди, кейин уларга жавоб топиш учун роса бош қотирибди. Лекин уларга ўзи ҳам жавоб тополмасмиш.

Саволларни ўзингиз бир ўқинг. «Нега соянинг қарағайи бор?», «Нега булутлар хат ёзишмайди?», «Нега почта маркалари пиво ичишмайди?» ва ҳоказо.

Йигитча кўп ўйлайверганидан боши оғрий бошлабди, лекин у бунга эътибор бермай, устма-уст саволлар ўйлаб топаверибди. Секин-аста унинг соқол мўйлови ўсибди, лекин олиб ташлашни хаёлига ҳам келтирмабди. Бунинг ўрнига у янги савол ўйлаб топибди: «Нега соқолнинг юзи бор?»

Хуллас, у жуда ғалати одам экан, бунақаси кам учраса керак. У ўлгандан кейин бир олим унинг ҳаётини ўрганиб, жуда ғалати бир кашфиёт яратибди. Маълум бўлишича, саволчи одам болалигидан пайпоғини тескари кийишга одатланган экан, кейин бутун умр тескари кийиб юрибди. Бирор марта у пайпоғини тўғри киелмаган экан. Шунинг учун ҳам у умрининг охиригача тўғри савол беришни ўрганолмаган экан.

Сен пайпоғингни бир кўргина, тўғри кийибсанми, йўқми?

ҚИЗ КЎРИШ ОРЗУСИ

Аёл бу гўзаллик, нафосат рамзики, улар ёмон хулқларни гўзаллаштиришга сабаб бўлувчи ва қаттиқ кўнгилларни юмшатувчи, инсонларнинг аҳиллик билан яшашларига боис бўлувчи муътабар зотдир.

Қиз бола туғилган уйда барака, ризқ мўл бўлади. Расулуллоҳ саллаоллоҳу алайҳи васаллам: «Зинҳор қиз болалардан юз ўгирманг, мен қизларнинг отасиман», деб марҳамат қилганлар. Баъзан шундай йигитларимиз учраб турадики, улар севиб уйланадилар, фарзанд кутганда эса ўғил бўлиши керак эди, деб ўз жуфти ҳалолларини камситадилар, бундай сўзларни маърифатсиз, маънавияти йўқ йигитларимиздан кутиш мумкин. Чунки кўзи ёриган аёл у дунёни бир кўриб яна қайтади, дейишади бувиларимиз. Шунинг учун улар қирқ кунгача чиллали, яъни шундай бегуноҳ қушдай енгил, пок бўлишади. Чиллали аёл нима тиласа, албатта ижобат бўлади. Она учун фарзанд энг бебаҳо неъматдир. Фарзанди учун она тунни кунга улаб парвона бўлади. Дарҳақиқат, биздан кейин чироғимизни ёқиб қолувчи фарзандларимиздир. Фарзанд қиз бўладими ёки ўғил ота-она учун бирдек азиздир. У қорами, оқми ота-она учун ойдек кўринади. Мана, бу ривоятдан ҳам шу фикрни англаб олсак, бўлади. Ҳазрати Юсуф пайғамбар ҳуснлари ҳаммамизга маълум. Чиройда тенги йўқ бўлганлар. Уларни кўрган одам ҳушидан оғиб қолган. Булар билан биргаликда ҳабашнинг боласи ҳам мактабда ўқиган, шунда Юсуфнинг оталари ўша ҳабашнинг отасига бир олмани берганлар, мактабга киргин-да, кўзингга энг чиройли кўринган болага бергин, деб улар албатта ҳазрати Юсуфни назарда тутганлар, чунки улардан чиройли бола мактабда йўқ эди. Аммо ҳабаш хонага кирса ўзининг ўғли кўзига энг чиройли кўринади, олмани ўзининг ўғлига беради.

Оилада қизнинг ҳам, ўғилнинг ҳам ўз ўрни бор. Шунинг учун баъзан янги келинларимизга мошхўрда ичиришади, чунки ўғил, қиз туғилсин деб. Бу ҳам бувиларимиз удумларидан. Энди шундай бир ҳолат бўладики, ота-она гаранг бўлиб қолади. Қандай дейсизми?

Туғруқхонада ўн биринчи ўғилни туққан она: қиз деб умид қилган эдим, яна ўғил, у кўзларида севинч ҳам алам ёшларими, сезиб бўлмади, чунки мен, дейди аёл, кенжа ўғилларимга доимо қиз боланинг кийимини сотиб олардимки, кейингиси қиз бўлсин деб. Мана, яна ширин-ширин қизчалар кийими энди набираларимга насиб қиладиган бўлди. Ҳар йили қишга яқин деразаларимизга ойна солдирамиз. Коптоқ тепиб синдиришади. Яна бир синдирадиган қўшилди, деб у хўрсиниб қўйди.

Бир кам дунё деб шуни айтар эканда, биров қизга зор, биров ўғилга. Биров эса тирноққа. Яна бир воқеа. Туғруқхонага қизини, набирасини олдига келган аёл кўзлари чақнаб кўришни истади, чунки унинг ўзи ёшлигида севиб турмуш қурган, аммо йиллар ўтса ҳам фарзанд кўришмагач, болалар уйидан икки қизни олиб тарбиялаб вояга етказади. Мана, катта қизларини узатишиб, ҳозир қиз набиралик бўлишганига шукроналар айтишаётганини, севган ёрини севиб адашмаганини, чунки икковлари аҳилликда икки етимни бошини силашади. Чунки фарзанд деб ким нима деса, шуни қилдим, аммо худойим менга аёллик нафосати билан оғир оёқ бўлишни, унинг дардини туюшни насиб этмаган экан. Ранг-баранг олам экан, биров тирноққа зор, бошқалар эса ўғил керак, қиз керак деб беш кунлик дунёда бир-бирларига озор берадилар. Ўғил ҳам, қиз ҳам бўлсин, аммо улар тарбияли бўлишсинки, ота-онани юзини ерга қаратмасин.

Бундай оилаларга ҳам тасанно айтгинг келади, чунки ўзбек халқи азалдан болажон. Бизга маълумки, баъзан тўқликка шўхлик қилиб, кеча уйланиб, бугун қиз туғдинг, деб ажрашиб кетаётган бағри тош, фаросатсиз ёшларимиз кўнгилни ғашлайдилар,

Айтишади-ку, икки ёш оила қурганда уларнинг хурсандчилигига ҳатто кўкда юлдузлар ҳам янада чарақлаб кузатар экан. Ҳаттоки чумчуқни ини бузилмасин, агар оила бузилса, арши аъло титраб кетар экан.

Менинг ёдимдан яна бир воқеа сира чиқмайди. Биз меҳмонга боргандик. Кечроқ қолиб, йўлда машина тўхтатдик. Таксининг олдида бир киши ўтирарди. Биз орқада: қизим, мен, дадаси. Шунда у киши орқага кўп қаради ва уч ёшли қизим кўзига бошқача кўринди шекилли, тушиш жойи келганда кўзига ёш олиб қизимнинг пешонасини силаб: «Мени дунёи боқийга кузатиб борадиганларим бор, аммо қабримга бориб уни кўз ёши билан ювадиганим йўқ» деб, тушиб кетди. Тушундимки, унинг ўғиллари бор, аммо қизи йўқ экан.

Бу сўзларни ўқиб, йигитларимиз хафа бўлишлари мумкин. Аммо оиланинг фариштаси бу аёл-ку, у билан уй чароғон-ку ёки уч қизни узатган ота-она жаннатга боради, деб Расулуллоҳ айтганлар-ку. Отамиз сарбону, онамиз боғбондирлар.

Мана, 1998 йил — Оила йилида яна қанча ёш оилалар вужудга келади. Ўзбекистонимизнинг келажаги бўлган ўт юракли ўғлонлар, иффатли қизлар дунёга келади.

Саломатхон ҲАСАНОВА

Seminar-kengash

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

Самарқанд шаҳрида «Халқаро инсон ҳуқуқлари ва уларни Ўзбекистон шароитида барқарорлаштириш» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинар ишида вилоят ва шаҳар судлари, прокуратуралари маъмурий ва адлия органларининг раҳбар ходимлари, халқ таълими бошқармасининг ҳуқуқ масалалари билан шуғулланувчи ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этдилар.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инсон ҳуқуқларини демократлаштириш ва бошқариш мажмуини такомиллаштириш дастури бўйича ўтказилган бу анжуманни Халқаро инсон ҳуқуқлари республика миллий Маркази ва Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ташкил қилди.

Семинарда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида баён этилган ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг умумбашарий тамойиллари, ҳуқуқий давлат мафкурасини ривожлантириш ва илмий режалаштириш, инсон ҳуқуқларини (ривожлантириш) ҳимоя қилиш миллий концепцияси тузилди.

Семинарда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро эксперт Д. Готтерернинг «Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича халқаро институтлар тажрибаси», Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидованинг «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш механизми» маърузалари тингланиб, муҳокама қилинди.

Семинар ишига инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказининг директори А. Саидов якун ясади.

Халқаро анжуман ишида Олий Мажлис депутатлари, Самарқанд вилоят ҳокими А. Мардиев ва шаҳар ҳокими А. Носиров қатнашдилар.

Эшмирза МАҲМУДОВ,
«Маърифат» мухбири

Kimyo o'qituvchilariga yordam

КОИНОТДАГИ КИМЁВИЙ ЖАРАЁНЛАР

ЮЛДУЗЛАРАРО МАСОФАЛАРДАГИ ОРГАНИК МОЛЕКУЛАЛАР

Кейинги йигирма-ўттиз йил ичида тўпланган илмий ва тажрибавий маълумотлар Коинотда — юлдузлараро масофаларда турли органик бирикмаларнинг мавжудлигидан дарак берди. Ериздан минг километр баландликдаги масофаларда ҳар куб сантиметр бўшлиқда миллиондан ортиқ молекула борлиги ўлчанган. Бу ер юзасидагидан бир неча марта кам, албатта. Баландлик орта борган сари босим ҳам камая боради. Денгиз устидаги нормал барометрик босим 760 мм. симоб устунига тенг бўлса, икки юз километр баландликда бу миқдор ҳаммаси бўлиб 0.0000029 мм. симоб устунини ташкил этади. Ер билан Коинот оралиғидаги масофа ортаборган сари атмосфера овоз узатиш, нурни тарқатиш, киши организмини кислород билан таъминлаш каби хусусиятларни йўқота боради. Бундай шароитларда (масалан 20 километрдан юқорида) инсон қони ва тери остки сувларимиз «қайнаб» кетади, яъни ўзўзидан юзага чиқа бошлайди. Лекин инсон қўли билан яратилган кийим ва техника унинг Коинотда, Ойда яшашига, ишлашига имкон берганлиги фаннинг улкан ютуғидир. Хўш, Коинотга органик молекулалар қаердан келиб қолди?

Ер қаърида кислород, кремний, алюминий ва кальцийлар кенг тарқалган элементлардан ҳисобланади. Булар Ер қобиғининг маълум қисмини ташкил этади. Ҳаёт учун муҳим бўлган углерод 17-ўринда туради. Ойдан олиб келинган жинслар таркиби Ерникига яқин туришини кўрсатди. Лекин Қуёш системасида кимёвий элементлар Ер ва Ойдаги каби эмас, балки бошқачароқ тарзда эканлиги тажрибаларда кўрилди. Қуёш ва юлдузлар таркибий қисмини спектрлар ёрдамида ўрганиш Галактикамизда энг кўп тарқалган олти элементнинг тўрттаси органик характерга эгалигидан дарак берди. Дастлабки икки ўринни гелий билан неон газлари, қолган ўринларда водород, углерод, кислород ва азот туради. Кейинги тўрт элементнинг деярли барча органик моддалар таркибига кириши фанга яхши маълум.

Коинотдаги кимёвий элементлар юлдузлар ичидаги юқори ҳароратда борувчи жараёнлар атом ядроларининг ўзгаришидан ҳосил бўлувчи маҳсулотлардир, деган фикр ўртага ташланди. Альфа зарраса ва нейтронлар ядро реакциялари янада оғирроқ элементлар ядроларини вужудга келтиради, булар ўз навбатида диффузион ва конвекцион жараёнлар оқибатида юлдузлар юзасига чиқади. Бу ерда углеводородлар радикаллари, углерод оксидлари, циан, имин ва гидроксил гуруҳлари ҳамда метан ҳосил бўлиши мумкин. Кейин мана шу заррачалар портлаш натижасида юлдузлараро масофаларга чиқариб ташланадиларки, натижада органик молекулалар пайдо бўлади. Илмий кузатувлар янги ва ўта янги юлдузлар портлаши, юлдузлар пульсацияси, кучли аланга ва шамоллар, иссиқ ва совуқ ҳолатдаги юлдузлараро масофаларга чиқариб юборилган углерод оксиди, нитрил гуруҳи, углероднинг ўзи, углеводород қолдиқларидан иборат гуруҳлар кейин водородни бириктириб гидридланади ва гидроксидланади. Натажада формальдегид, метил спирти, чумоли кислотаси, сирка альдегиди, цианацетилен каби кўплаб турли органик моддаларни ҳосил қилади.

Оптик ва бошқа ҳозирги замон техникаси ёрдамида олиб борилаётган кузатувлар натижасида юлдузлараро масофалардаги булут ҳамда газ туманликларида таркибий қисм сифатида углеводородлар, циан, мусбат зарядланган углеводород радикаллари, водород ва углерод оксиди молекулалари топилди. Микротўлқинлар спектроскопияси усулининг вужудга келиши юлдузлараро борлиқ табиатини ўрганишда жуда қўл келди. Натижада ўша маконларда аммиак, сув, формальдегид, водород, цианидлар борлиги ҳам амалиётда тасдиқланди. Айниқса, Коинотдаги кенгликларда формальдегиднинг ниҳоятда кўп тарқалганлиги исботланди. Уни шунинг учун ҳам «Коинот молекуласи» деб атай бошладилар. Водород билан гидроксил группаси ва мана шу «Коинот молекуласи» ҳаммага кўринадиган машҳур «Сомон йўли»нинг таркибий қисми эканлиги қизиқарли маълумотлардан бўлиб чиқди.

Ҳозирги вақтда ўттиздан ортиқ кимёвий молекулаларнинг коинотлик эканлиги тажрибалар ёрдамида исботланди. Буларга Тиоформальдегид, метиленимин, олтингугурт, чумоли кислотаси, метилацетилен каби молекулаларни кўрсатамизки, ер шароитида ҳосил бўлиши бир мунча қийин бўлган моддалар у маконларда ҳосил бўлишини янада чуқурроқ ўрганиш қизиқиш туғдиради. Айниқса, ерда эркин ҳолда бўлиш механизми кўпчилик кимёгар олимлар учун ҳали «ёпиқ қозон»лигича қолаяпти. Ўта фаол бўлган метилениминни айтмайсизми? Ер шароитида анча қийинчилик билан олиниши мумкин бўлган сирка кислотаси нитрили у ерларда осон ҳосил бўлиши ҳам эътиборга молиқдир. Коинотда шар ҳолидаги бактериялар (микрококлар) борлиги тасдиқланди. Ер шароитида тупроқда, кўлмак сувлар, шўр сувлар ва бошқа ичимликларда мавжуд бўлган бундай бактерияларнинг Коинотнинг ўта совуқ ёки иссиқ шароитларида ҳам мавжуд бўла олиши ва яшаши фан учун муҳим қизиқиш туғдиради.

Органик бирикмалар Ойда ва кометаларда ҳам борлиги исботланди. Муҳими шундаки, кометалар массасининг каттагина қисмини органик бирикмалардан бўлган циан, дициан, метан, ацетилен, углерод оксиди ва булар билан биргаликдаги сув, водород ва аммиак эгаллайди. Унда яна молекуляр водород ҳам, гидроксил группаси, кислород, углеводород радикаллари, имин ва аминогуруҳлар учрайди. Комета думида углерод оксидидан ташқари азот, метин, углерод диоксиди, гидроксил гуруҳлари ҳам мавжуд. Ана шу бирикмаларни комета учаётганда унинг дум қисмида оппоқ рангда кўриш мумкин.

Ойда ҳам нитиридлар, метан, сув, углерод диоксиди, металлар ва уларнинг оксидлари, аминокислота ва бошқалар борлигини у ерга бориб келган америкалик астронавтлар исботладилар. Аминокислоталардан глицин ва аланинлар ажратиб олинди. Ультрасезгир хроматграфдарларда қилинган таҳлиллар ер йўлдоши таркибида яна треонин, серин, аспарагин ва глутамин каби аминокислотлар мавжудлигини исботлади. Ерда Ой шароитини имитация қилиб буғдой ҳосили олинди, бунда азот ва фосфорли ўғитлардан фойдаланилди. Келажакда Ойда ва сайёраларда хизмат килувчилар учун буғдой ва мева-сабзавотларни ўша ерларда етиштириб бериш режалаштирилмоқдаки, буни олимларимиз исботлади. Келажакда ўзга сайёраларга йўли тушган кишилар ўзлари етиштирган ҳосил билан озиқланишлари эҳтимолдан узоқ эмас.

Қудрат ҳожи АҲМЕРОВ,
кимё фанлари доктори,
профессор,
олий таълим аълочиси

(Давоми бор)

(Боши газетамизнинг 9-сонида)

Bir joydan ikki xabar

БИР ҲАФТАЛИК АНЖУМАН

Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институтида Президентимиз И.Каримовнинг Республика Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда вазирликнинг «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳаётга тадбиқ этишга қаратилган тадбирлари бўйича бир ҳафталик илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманни педагогика институти ректори, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир-аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор Жуманазар Бозорбоев очар экан, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда халқ таълими соҳаси бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларга кенг тўхталди.

Ушбу анжуманда тарих фанлари доктори, профессор Б.Шамамбетов, филология фанлари докторлари, профессорлар Қ.Камолов, К.Қуромбоев, тарих фанлари номзоди, профессор К.Қўшчонов ва бошқалар долзарб мавзуларда маърузалар қилишди.

Шуниси муҳимки, ҳаёт тақозо этаётган мазкур мавзу юзасидан институт талаба ёшлари ўртасида ҳам ўқув дастури ишлаб чиқилди.

ЗУККО ТАЛАБАЛАР ТАҚДИРЛАНМОҚДА

Ушбу педагогика институти ректорати иқтидорли ўқувчи ёшларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш борасида қатор амалий тадбирлар ишлаб чиққан. Ушбу тадбирни изчил амалга ошириш яхши самара бераяпти. Жумладан, биргина ўтган йилги якунлар, айниқса, қувончлидир. Институт 1-инглиз тили гуруҳининг талабаси, «Умид» жамғармаси совриндори Ойсара Юсупова Америка Қўшма Штатларининг Колорадо университетида менежмент ва маркетинг бўйича бакалаврлик унвони учун таълим олиш ҳуқуқига эга бўлди. География-биология факультетининг 3-курс талабаси Ойпаршин Сарибоева «Умид» жамғармасининг, ўзбек филологиясининг 3-курс талабаси Ҳайитбика Жуманиёзова «Камолот» жамғармасининг, математика-информатика факультетининг 2-курс талабаси Шийрин Мирзонова «Улуғбек» жамғармасининг совриндорлари бўлишиб, билим чўққиларини забт этишда фидойилик кўрсатмоқдалар.

Гойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз

ЯНГИ МАКТАБЛАР КЎПАЙМОҚДА

Сўнгги икки йил ичида янги бинога кўчиб ўтган мактаблар сони Бахмал туманида 5 тага етди. Шу кунларда эса 17, 33 ва 34-ўрта мактабларнинг янги бинолари қурилишида ишлар жадал бормоқда. Улар ҳам янги ўқув йили бошлангунга қадар ишга туширилади. Туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими молиявий қийинчиликларга қарамай янги мактаблар қуриш учун барча чораларни кўрмоқда. Албатта, ҳомийлар ҳам, ота-оналар жамоатчилиги ҳам қараб туришгани йўқ. 8 та билим даргоҳида қўшимча синф хоналари ҳашар йўли билан тикланмоқда.

Асосий қурилиш материали ҳисобланган ёғоч ва тахта мактабларнинг ўз теракзорларидан кесилмоқда.

Т. ОРАҚУЛОВ

Hamkorlik sarhadlari

СОРОС ОЧИҚ ЖАМИЯТЛАР ОЧАДИ

Охирги ўн йил давомида жаноб Жорж Сорос АҚШ ва бошқа чет давлатлардаги фуқаролар эркинлиги, эркин матбуот ва сиёсий плюрализм асосларини кенгайтириш мезонлари бўлмиш «Очиқ жамиятлар»ни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлади. Ўз жамғармалари орқали дунёнинг 30 дан зиёд давлатларида 1994 йилдан бўён 350 миллион АҚШ доллари ҳажмида иш олиб борди. Унинг буюк империяси Жанубий Африкадан тортиб Гаити мамлакатигача чўзилади.

Сорос жамғармасининг ташкилотлари Очиқ Жамият Институти (ОЖИ) деб номланади. Бундай ташкилотлар Қозоғистон ва Қирғизистонда бундан 3 йил олдин очилган эди. Бултурги йили жаноб Сорос Озарбайжон, Мўғулистон, Арманистон, Тожикистон ва Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарини очишга муяссар бўлди. Яқин келажакда у Жанубий Африкада 9 та жамғарма очиш нияти борлигини айтиб, Сорос жамғармасининг ОЖИ мавжуд бўлган давлатлар сони 40 тага етишини таъкидлади.

Ўзбекистон — Очиқ жамият институти ўз ишини бошлаганига бир йил бўлди. Ушбу институт фаолияти хусусида унинг бошлиғи Катерин Муни қуйидагиларни айтди:

— Ўзбекистон — Очиқ Жамият Институти Нью-Йорк ва Будапештдаги номдош институт марказлари билан теран ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Мазкур марказларнинг 15 дан зиёд дастурлари мавжуд бўлиб, бу асосан, Интернет алоқаларини ривожлантириш, стипендиялар белгилаш, давлат иқтисодий ислоҳотлари ва олий таълим соҳаларига ҳам молиявий, ҳам техникавий ёрдам кўрсатишни кузлайди.

Профессор ва аспирантлар Марказий Европа Университети ва Будапештдаги Конституция ва қонун институтида таҳсил олишмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон ОЖИ ислоҳотлар жараёни талабларидан келиб чиққан ҳолда миллий дастурлар яратишга қатнашмоқдалар.

1997 йилда 2 профессор ва 8 аспирант МЕУда, шунингдек бир талаба Эссекс Университетида ОЖИ таъсис қилган Инсон ҳуқуқлари стипендияси билан таҳсил қуришди. Бу йил эса Будапештда ўтказилган 2 ҳафталик интенсив курсларда мактаблар учун дастурлар яратиш мавзуида 4 профессор, МЕУнинг Ёзги университетидаги курсларда эса 3 профессорнинг таҳсил олиши кузланаётир. Алматида 24 профессор ёзги интенсив курслар ўтказдилар ва 8 та олим Финландия, Польша ва Англиядаги Оксфорд Университетида инсон ҳуқуқлари муаммосини тадқиқот қилиш учун грантлар олдилар.

Узбекистон — ОЖИ иқтисодиёт, қонунчилик, жамиятшунослик ва инсон ҳуқуқлари, жаҳон тарихига оид дарсликлар яратиб, кенг жамоатчиликка тарқатади. Мазкур институт 1998 йилда ана шу соҳаларда ўзбек ва рус тилларида 7—10 дарслик чоп этишни режалаштирмоқда.

— Маҳаллий экспертлар ёзган умумий кириш қисми ва бўлимларга эга ана шундай китобларни бошқа давлатлардаги ташкилотларимиз чоп этиб бўлишди. Узбекистондан ўзбек жамоатчилигига мос келадиган тамойилларни чуқур таҳлил қила оладиган эксперт қидирмоқдамиз, — деди Муни хоним. — Оммавий ахборот воситалари қонунлари ҳақида китоб устида ишлаш жараёнида биз Узбекистон Инсон ҳуқуқлари миллий маркази билан ҳамкорлик юритмоқдамиз.

Институт 1998 йилда яна бир муҳим лойиҳа — вилоятлар ва Қорақалпоғистондаги марказий кутубхоналарини Интернетга боғлаш мақсадида замонавий компьютер, принтер ва модемлар билан жиҳозлашни қўлга олмоқчи. Шунингдек, Узбекистон — ОЖИ журналистлар марказидаги Конрад Аденауэр жамғармаси билан ҳам ҳамкорлик қилиб, яқин кунларда Соғлиқни сақлаш соҳасида лойиҳа тузишни режалаштирмоқда.

Сўз сўнгида, жаноб Соросниг умумий бойлиги 5 миллиард АҚШ долларига баҳоланганлиги ва у келгуси 10—20 йил мобайнида узининг молиявий совғаларини тухтатмаслигини таъкидлаб ўтишни жоиз кўрдик.

Эрик ВАЛБЕРГ

Fanimiz fidoyilari

Аслида кимнинг кимлиги ҳақида дейиш, унга бу тарзда баҳо бериш бизга юклanмаган. Бироқ битта имкониятимиз бор. Ҳар кимнинг шу ҳаётда қилган аъмоли, тасаввуримизда ўша кимсанинг қайсидир маънодаги кўринишини чизиб беради. Шу нуқтаи назардан айтадиган бўлсак барчамизнинг устозимиз, дилбар инсон Сайди УМИРОВ тасаввуримиздаги энг ҳурматли, энг эъзозли инсонлардан.

Алқисса, шу кунларда домла 60 ёшни қаршилади. Фурсатдан фойдаланиб, домлани бу навқирон ёши билан қутлаймиз.

Профессор Сайди Умировнинг илмий ишлари,ташкилотчилик қобилияти ва республика публицистик тафаккур ҳамда услубиёт тараққиёти йўлидаги хизматлари, айниқса адабий-танқидий ижодий маҳорати ҳақида кўп гапириш мумкин. Бироқ ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Шу боис домлайи киромнинг кўп сонли мақолаларидан айрим парчалар келтирамиз. Бу парчаларга домланинг устози Ғайбулла Саломов ном берганлар.

ТАҲРИРИЯТ

МАҲОРАТ МУДАРРИСИ

РУЖУВ

— Ҳаким Аслонович, яқин вақтларгача қишлоқ хўжалигида кимёнинг ҳиссаси, фойдаси ҳақида кўп, баъзан мақтаниб гапирарди. Кейинги пайтларда айрим кимёвий дориларнинг зарари, биологик йўлнинг афзаллиги ҳақида баҳс юритадиган бўлиб қолдик. Сиз биокимёгар олим сифатида бу ҳақда нима дейсиз?

— Кўп нарса меъёрга боғлиқ. Унинг бузилиши оқибати ёмон. Алкогол, гиёҳвандлик — кўп ҳолларда меъёрнинг бузилиши, ҳаддан ошиш оқибати. Пахта майдонларининг нашаванд бўлиб қолиши сабаби — минерал ўғитга ружув қилиш, монокультурага ёпишиб олиб, алмашлаб экишни унутишимизда. Ҳосилдорликни ошириш ўрнига нуқул янги ерларни ўзлаштиришга киришиб, кўп яйлов-ўтлоқларни йўқ қилганимиз, ишдан чиқарганимиз ҳам яхши бўлмади. Ахир, табиий майдонлар чорва учун озуқа, шифобахш доридармонлар манбаи. Табиат мувозанатини бузмаслигимиз, буни доим ёдда тутишимиз лозим.

(«Омад формуласи». «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси, 13.04.88).

ҚИЗИҚ

Асқад Мухтор ўқувчиларидан бири мактубида «менимча, ёзувчининг вазифаси қизиқ бир воқеани ҳикоя қилишдан кўра, бирор воқеани қизиқ қилиб ҳикоя қилиб беришдан иборат бўлса керак», дея ўткир маъноли бир гап айтганини ёзган эди.

(«Ўқувчи-мунаққид таърифинда». — «Туркистон» газетаси, 30.06.88).

ҚОЙИЛ

Шифокор Абдулаҳад Абировни тез-тез эслаб туради. «Бу йигитнинг дорихонада ишлашини билмаган одам, фикр-мулоҳазаларини эшитиб, ёзувчи ёки танқидчи деб ўйлайди».

(«Синчи». — «Туркистон» газетаси, 21.01.89).

АЯ

...Бу сафар Робия аяни бориб кўролмадим... Тўғриси, юрагим чидаш беролмайди, деб чўчидим. Биламан: борганимда ғамкойиш адо қилган, сочлари оппоқ ая бўйнимга узоқ осилиб нола қиларди, юзларимдан ўпарди, сизни кўрсам, ўғлимни кўргандай бўламан, дерди. Аввалгидай, кўзларидан шашқатор ёшлар оқмасди, албатта, чунки шунча йил ичида қуриб тамом бўлган, лекин хира тортган кўзларидан икки томчи ёш думаларди. Бу — тириклигида ҳурмат-эътибор қозониб, вафотидан кейин қадр топмаган, унутилаётган ўғли учун алам ёшлари бўларди. Шу ёшларни кўришдан қўркдим.

(«Пешонамизга яна шундай раҳбар битармикан?». — «Халқ сўзи» газетаси, 14.11.91).

МАҚОЛА

Катта китоб ёзиб, чоп эттириш мумкин, бироқ кичик мақола ёзиб, жамоатчиликкка манзур қилиш қийин.

ШОҲМОТ

Не-не машаққат билан пиёдани фарзинга чиқаргани гувоҳи бўлганимда, беихтиёр, кичик далилдан катта хулоса чиқарган, салмоқли тадқиқот битган олим Бегали Қосимни тасаввур этаман.

ҒАЛАТ

Бегали ўзи билан ўзи қаттиқ тортишадиган, ўзининг баҳсли, бир томонлама фикрларини ўзи инкор этадиган олимлардан.

ЖУССА

«Ушоққина одамман, жуссам отамдан мерос. Лекин майда ҳисларни кўтармас асло жиним». Катта шоиримиз Абдулла Орифнинг бу сўзлари юртдоши, факультетдоши, жуссаси чоғроқ, фикри катта, қамрови кенг профессор Бегали Қосимга ҳам тегишли.

(«Шижоат». — «ЎзАС» ҳафталиги, 18.12.92)

КАМСУҚУМЛИК

Устоз Саъдихон Сирожиддин ниҳоятда камтар, кийинишлари ҳам, ўзини тутишлари ҳам оддий эди... Эллигинчи йилларда бирор воқеа тилдан-тилга кўчиб юради: бир қур ёшлар поезддa Москвадан Тошкентга қайтишаётган экан. Савлатли жўрабоши йўл бўйи йигит-қизларни уюштириб, зериктирмай келади. Шу аснода ҳамроҳ бўлган хушбичим, камгап йигит унга маъқул тушиб қолиб, иш буюра бошлайди. Йигит ҳам гап қайтармайди. Жўрабоши чой деса чой дамлаб келади, папирос деса папирос топиб келади. «Сиз менга ёқиб қолдингиз, — дейди манзилга етгач у йигитга қараб. — Танишиб қўяйлик: «Мен Москва Давлат университети аспиранти Жўра Ҳожимат бўламан». Ҳожатбарор йигит ҳам «Мен МГУ профессори Сирожиддинов бўламан», дея қўл узатади. Аспирант хижолатдан ўзини қўярга жой тополмай қолади...

(«Тўкис зот эдилар...», «ЎзАС» ҳафталиги, 26.03.93).

Ў!..

Баҳром ака Саматов ҳақидаги ярим соатлик воқеабанд фильм Тошкентда кўрикдан ўтказилган экан. Кимнингдир нигоҳи боғбоннинг эгнидаги билинар-билинмас бир йиртиққа тушибдию, ҳушёрлик қилиб, доно маслаҳат берибди: «Ўша кадрни кесиб ташлаш керак, илғор совет кишиси ҳақида нотўғри тасаввур бериши мумкин». Фильм табиий, ҳаққоний бир кадрдан маҳрум бўлибди. Баъзиларга қолса, боғбонга чуст дўппи, янги тўн, оҳори кетмаган оппоқ кўйлак кийдириб, иложи бўлса, галстук тақдириб, қўлига кетмон тутқазиб суратга туширса. Ҳаётда бунақа бўлмайди-да. Баҳром аканинг янги энгилбошлари ҳам бор, албатта. Лекин у доимо оддий кийиниб юришни яхши кўради.

ГЎРКОВ

«Одамга бирор фойданг тегмаса, ҳеч кимга эл бўлмай, ўз гўрингни ўзинг кавлаб яшашдан нима маъно».

(«Хотамтойнинг ўзи» — «ЎзАС» ҳафталиги, 21.10.92).

Ilmiy farazlar

ШАҲАРЛАР ШАЖАРАСИ

Ҳар бир шаҳарнинг ўз ўтмиши, тақдири бор. Машҳур хонлар сулоласи тарих китобларида ёзиб борилган. Лекин ҳокимият бир сулоладан бошқа сулолага ёки бошқа бир давлат қўлига ўтгач, аввалги сулола номи тилга олинмаган. Натижада давр ўтган сари олдинги сулола илдизидан узоқлашиб кетган. Унутилган.

Шаҳарлар тақдири ҳам шундай. Аммо уларни, таъбир жоиз бўлса, шажарасини сақланиб қолган ёдгорликлари эслатиб туради. Фарғона, Бухоро, Термиз шаҳарлари номларининг маъноси нима? Улар қачон бунёд қилинган? Кимлар томонидан? Бу саволларга тарих китобларидан бирмунча жавоб топиш мумкин. Бу номларни эл қўйганми, улар кейинчалик ўзгартирилганми? Ёки турли давр тақозаси, ёки босқинчилик туфайли баъзи шаҳарлар номлари ўзгартирилгани бор гап. Бундан ташқари, биз ўқийдиган тарих китоблари кейинги асрларда ёзилган ва ўз даври тушунчасига мослаб изоҳланган. Асл манбалар эса йўқолиб, унутилиб кетган.

Самарқанд шаҳри номининг маъноси турли китобларда турлича шарҳланади. Бирида Семизкент — катта шаҳар дейилса, бошқасида Марракент — чегара шаҳар маъносини билдиради, дейилади. Бошқа бир олим Самар деган араб саркардаси шаҳарни буздирди ва «вайрона шаҳар» деган ном берди, дейди. Яна бири Самарқандни Искандар Зулқарнайндан қолган, деб далолат беради.

Қисқаси, бу далиллар кишини ўйлантиради. Чунки «Семизкент», «Марракент» номларининг маъноси ҳам, араб саркардасининг қилмиши ҳақидаги далил ҳам, Искандар ҳақидаги гап ҳам омонатга ўхшайди. Ахир, Искандар босиб келганда Самарқанд бор эдику!..

Ўйлайсиз. Фикр юритасиз. Тарих китобларини варақлайсиз. Кутилмаганда бир китобдан умидбахш садо чиқади. Яна бошқа китобларга мурожаат қиласиз. Гоҳ ўша муродбахш садо тиниб қолади. Тўхтаб кутасиз. Ўша садо ростдан ҳам муродбахшмиди? Манзилга тўғри йўл бошловчимиди? Ёки ноаниқ бир ишорами? Умидбахш ишоранинг ўзи бормиди?..

1960 йилларда уйимизнинг биринчи қаватидаги кутубхонада мўъжазгина бир китобча қўлимга тушди. Рус тилида ёзилган. Петербург университети профессори, академик Б.А.Тўраевнинг «Икки дарё оралиғи: асотир ва ривоятлари» деган китобча. Мен уни Амударё билан Сирдарё оралиғи ҳақида, ўз халқимиз ҳақида бўлса керак, деб ўйлагандим. Ўқиб кўрсам, Дажла ва Фирот дарёлари орасидаги Месопотамия мамлакатининг қадимги тарихи, маданияти, ёдгорликлари ҳақида экан.

Рисола милоддан беш минг йил аввал шаҳарлар қуриб, сойлар қазиб деҳқончилик қилган, ёзувни кашф этиб, сопол тахтачаларга қонунлар, хон фармонлари, мактублар, турли хўжалик ҳужжатлари, шеър ва достонлар ёзган Шумер халқи ҳақида ёзилган эди. Ёзувларни С.Н.Крамер деган америкалик олим ўқиб, тили лексик, грамматик жиҳатдан ҳозирги ўрта осиёлик туркий халқлар тилига ўхшайди, дебди. Бу менга қаттиқ таъсир қилди. Китобда бир неча сўзлар мисол тариқасида келтирилган эди. Бу менга муродбахш бир ишорадай туюлди. Аммо айрим олимлар: бу мумкин эмас, тил ўзгарувчан нарса, беш минг йил у ёқда турсин, ҳатто икки юз йилда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади, деб ҳафсаламни пир қилишди. Ўша вақтда бу масалада баҳслашиш хатарли эди. Бундан ташқари, Месопотамия қаёқдаю, Турон қаёқда...

Бир китобда ўша замондаги мамлакатлар акс этган харитани кўрдим. Унда Ҳиндистон жануби, уммон бўйлари «Ҳинд — иситлар давлати» деб кўрсатилган. Демак, фақат Жанубий Месопотамияда эмас, Ҳиндистоннинг жанубида ҳам қадим турк аждодларимиз яшаган экан. Баъзилар ҳозирги Калкутта (инглиз талаффузида) шаҳри номи асли «Қалъа катта» бўлган дейишади. Китобларда ҳам шундай ёзилган.

Баъзи тилшунослар бешолти ўхшаш сўзни истаган тилдан топиш мумкин. Бу ҳалқлар бизнинг аждодимиз дейишга асос бўлолмайди, дейди. Ҳақ гап. Асрлар давомида ҳарбий юришлар, савдо-сотиқ, борди-келди туфайли аралашиб, бир-бирининг тилига, ҳатто ҳаёти, урф-одатларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Аммо тилнинг юз йиллар давомида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетиши мумкин эмас. Халқ бир жойда жам бўлиб, муқим яшаса, албатта.

Муғуллар босқини даврида Ҳиндистонга кўчиб кетганлар (Хисрав Деҳлавий оиласи каби) ва Бобур Мирзо билан бирга кетганлар ўз тилини сақлаб қололмади. Жанубий Ҳиндистон ва Месопотамияда (ҳозирги Ироқ) яшаганларнинг тақдири ҳам замона алғов-далғовлари остида шундай бўлган бўлса ажабмас. Лекин асосий халқ ота-боболар яшаган заминда яшаб қолган.

Хуллас, шумер тилидаги бир қанча узак сўзлар билан ҳозирги ўзбек тилидаги сўзларнинг бир хиллиги менга муродбахш ишора бўлиб туюлган эди. Кўпроқ билишни, улар ҳақида халқимизга қувончли хабар беришни истардим.

Академик Азиз Қаюмов, Алибек Рустам ва бошқаларнинг қадимги турк, Ўрхун-Энасой битиклари ҳақидаги тадқиқот ва таржималари, кейинроқ профессор Насимхон Раҳмонов, Абдурашид Абдураҳмоновнинг китоблари босилиб чиқди. Ўлжас Сулаймоновнинг «Аз и я» сини яқинда ўқидим.

Бир куни Бахтиёр Исабеков билан шумерлар ҳақида гаплашиб қолдик. У менга бир луғат берди. Муқовасига «Сумерча-туркча сўзлик» деб ёзилган эди. Бирдан кўзим ярқ этиб очилгандай бўлди. (Рус олимлари «шумер» деб ёзишади. Асли «сумер» экан).

«Сумер-Самар»... Шунча йиллар бошимни қотириб, мени қийнаб юрган тилсимнинг калити топилган эди. Йиллар, асрлар ўтиши, турли элатлар-қавмларнинг қўшилиши, босқинлар жараёнида «Сумар» «Самар»га айланган бўлиши мумкин. Бу жараённинг нималигини тилшунослар яхши билишади. «Кент» эса асл туркий «шаҳар» деган сўз. Шундай қилиб, Сумеркент сўзи Самарқандга айланган. (Балки «кент» сўзини шу ердаги маҳаллий халқ тилидан олгандир).

Яқинда сумер ёзуви тилсимини очган, сумершунослик илмининг асосчиси С.Н.Крамернинг «Тарих сумердан бошланади» (рус тилида) китобини ўқидим. «Ўзбекистон тарихидан манбалар» китобида машҳур рус тарихчиси, давлат арбоби В.Н.Татишевнинг (1686—1750) «Лексикон» асаридан каттагина парча берилган. Унда ҳам Самарқанд номи Сумеркент деб ёзилган. Крамер сумер ёзуви тилсимини йигирманчи асрда очди. Татишев 18-асрдаёқ буни билгани менга ҳайратли туюлди.

Хуллас, Самарқанд жуда қадим-қадим замонларда сумерлар-туркий қавмлар томонидан бунёд қилинган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Фақат бу эмас, ёдгорликлардан сумерларнинг икки минг йиллик тарихи маълум. У ерда учта Ур сулоласи ҳукмронлик қилган. Биринчи Ур сулоласидан ўтизга яқин ҳукмдорнинг номи аниқ. Қолган сулолаларнинг ҳам. Гелгамиш (Келгамиш) биринчи Ур сулоласининг бешинчи ҳукмдори бўлган.

Сумерларнинг яқин қўшниси Аккад (Акад)лар эди. Улар милоддан олдинги уч мингинчи йилларда Сумерлар устига катта қўшин билан босиб боради. Сумерлар мағлуб бўлади. Қирғин, вайронликлар юз беради. Бугун ҳам ақлни ҳайрон қолдирадиган гўзал ва ораста шаҳарлар, яшнаб турган боғлар, тўғонлар вайрон қилинади.

Акадларни Бобулий (Вавилон)лар, бобулийларни хат (хет)лар, уларни Ашшурийлар, Ашшурийларни эса мидияликлар — форслар босқин қилади. Уларни эса Искандар Мақдуний маҳв этади. Орадан икки ярим минг йилча вақт ўтади. 19-асрда тупроқ остидан тош ёдгорликларга битилган қонунлар, сопол тахтачаларга ўйиб ёзилган турли хил ҳужжатлар топилади.

Ур шаҳри Сумерларнинг биринчи пойтахти бўлган. Кейинги тарих китобларидан маълумки, бир қавм, қабила бошқа жойга кўчиб борса ва шу ерда ўрнашиб шаҳар ёки қишлоқ бунёд қилса, унга аввалги шаҳри (қишлоғи) номини берган. Масалан, Дўрмон, Қиёт, Манғит каби. Сумерлар ҳам Амударё бўйига келиб ўрнашгач, шаҳар қуради ва унга Уркент деб ном беради. Урганч эса асрлар ўтиши билан ўзгарган шакли. Ургут ҳам шундай.

Сумерларнинг иккинчи катта шаҳри Кеш деб аталган. Ҳозирги Шаҳрисабзнинг асл номи Кеш эканлиги маълум. Бундан ташқари яна бир шаҳарнинг номи Нанай (европаликлар Ниневия деб ёзишади) бўлган. Бундай номли қишлоқлар Андижон, Тошкент вилоятларида ҳам бор.

Бундай ўхшаш номлар битта-иккита эмас. Новтаки (Қарши), Навбор (Бухоро) Навфар (сумерчада Нуффар), Қуллаб (Қўллаб) — Кўлоб каби кўплаб жой номлари ҳам жуда таниш. Бу тасодифми? Агар сумерлар Туронда яшаган десак (бунга юқоридаги жой номлари асос беради), нима учун Ироқда топилган сопол китоблар, бошқа ёдгорликлар бу ердан топилмади? Қадимги Мисрдаги маҳобатли эҳромлар, Абухавл (сфинкс)лар, Юнонистондаги Колизей каби обидалар бу ерда бизгача етиб келмади?

Сумерлар яшаган Месопотамияда ўрмонлар, тоғлар йўқ экан. Тош ва ёғоч бошқа мамлакатлардан қиммат баҳода сотиб олинаркан. Шунинг учун уйларини биздагидай пахса ва хом ғиштдан қуришаркан. Ёзув учун лойни япалоқ қилиб, офтобда қуритиб олишаркан. Кесак мўрт бўлади. Тезда синиб, уқаланиб, сувда уваланиб кетиши мумкин. Шунинг учун кейинроқ ёзув туширилган лой тахтачани қуритиб, хумдонда пишириш одатга кирган. Олимларнинг ёзишича, топилган миххатли лой тахтачалар ичида хумдонда пиширилгани ҳам, қуёшда қуритилгани ҳам кўп экан.

У ерда ёғин кам бўлгани, тупроқнинг қуруқлиги туфайли лой китоблар бузилмай ер остида ётган.

Агар сумерлар туркий қавм бўлса, шу ерда яшаган бўлса, қачон яшаган? Нуҳ тўфонидан олдин ёки кейин десак, уларнинг асарларида тўфондан олдинги давр ҳам, кейинги давр ҳам бор. Нуҳ ўрнига уларда Шуруппак деган ном тилга олинади. Кема ясатиб, тўфондан омон қолади. Энг йирик достон қаҳрамони Гелгамиш (Келгамиш) номи ҳам бизнинг Алпомиш, Кунтуғмишга жуда яқин қариндош. Лекин сумерлар бу ердан у ёққа боргач, ёзувни кашф этганми? Ёки қудратли қўшнилар қирғин, босқини зулмидан бу ёққа кўчганми? Нима учун бу ерда улардан жой номларидан бошқа эсдалик йўқ.

Муаммо... Аммо дунёда ечиб бўлмайдиган муаммо йўқ. Вақти-соати етганда ечими топилади. Уни ҳал қиладиган билимдон, тадбиркор, қобил одамлар чиқса ажабмас. Замонлар ўтади. Тузумлар ўзгаради. Шаҳарлар вайрон бўлиб, қайта тикланади. Айримларининг ўрни ҳам, номи ҳам ўчиб кетади. Лекин Ватан ва тангри, озодлик ва бахт орзуси ўлмайди.

Мамлакатнинг номи ҳам, миллатнинг номи ҳам ўзгаради. Турон, Кушон, Суғдиёна, Мовароуннаҳр, Чиғатой каби. Турк, Хун, Искит, Суғд каби. Бу дунёда боқий нарса йўқ. Сумершунослик бўйича Америка Қўшма Штатлари, Англия, Олмония, Франция, Голландия, Швецияда самарали илмий ишлар олиб борилди. Ёдгорликларнинг маълум қисми таржима ва тадқиқ қилинди. Лекин ўрганилмагани кўп. Туркияда бу соҳада бир неча мутахассис доктор, профессор бор. Улар ўз соҳасида самарали ишлаб, тадқиқотлар олиб бормоқда. Русияда ҳам бор. Аммо бизда шу чоққача бунга имкон бўлмаган.

Энди қобилиятли ёшлардан жонкуяр мутахассислар чиқишидан, бу соҳадаги кемтикларни тўлдиришидан умидвор бўлиб қоламиз.

Маъруф ЖАЛИЛ

Табиат сўзига она сўзининг қўшиб айтилишининг боиси бор, албатта. У она каби саховат, меҳр ва ризқ деб аталмиш эҳтиёжларимизни ўзида мужассам қилган. У бутун борлиғини инсонга бағишлаган, тақдирини одамзотга топширган она. Табиатга фақаттина эътибор ва тежамкорлик ва меҳрнинг ўзи кифоя қилади. Ана шулар унинг доимийлигини таъминлайди. Эртанги кун эгалари бўлмиш фарзандларимизнинг она табиатга муносабатини тўғри шакллантиришимиз бугунги бурчимиздир.

СУРАТЛАРДА: Пойтахтимиздаги Ўқитувчилар уйи залида «Келажагимиз ва экология» мавзуида ўтказилган мактаблараро кўрик-танловининг якуний босқичидан лавҳалар.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар

Tadbir

ФАРҒОНИЙ РУҲИ ҲАМИША БИЗ БИЛАН

Олис тарихга нигоҳ ташлар экансиз, ҳадсиз илму жавоҳир хазиналари, одобу ахлоқ кошоналари, беқиёс маънавият манбаларининг мафтункор жилваланиб турганини қалбан сезасиз. Бу мўътабар меросимиз буюк яратувчилари — табаррук зотлар руҳи пойига шукроналик таъзимини бажо этгинг келади.

Ал-Фарғоний — илму урфон аҳллари ичра беназир, табаррук она заминимизнинг мўътабар фарзанди.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти хайрихоҳлигида, ҳукуматимиз раҳнамолигида бу йил Аҳмад ал-Фарғоний номи, унинг 1200 йиллик тўйи билан боғланганлиги ҳар бир инсон руҳига ажиб, самимий саховат, мўъжаз ғурур ва тароватли шукуҳ бахш этганлиги рост.

Шу боис Фарғонадаги 1-гимназия-лицей жамоаси ҳам ал-Фарғоний таваллудига бағишланган тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда.

«Маърифат ва маънавият» жамоатчилик гуруҳи «Фарғоний руҳи қалбга нур сочар» мавзуида илмий-амалий, бадиий-мусиқавий семинар-кеча ўтказди.

Меҳмонлар илмгоҳ ҳовлисига кирар эканлар, бу даргоҳда улуғ бобокалонимизнинг хушнуд руҳи кезиб юрганини ҳис этдилар. Ҳар бир синфда «Аҳмад Фарғоний» дарслари ўтказилди. Олимнинг ҳаёти ва фаолиятини кенг ёритиб турувчи кўргазма ташкил этилди. Ўқувчилар иштирокида расмлар ва деворий газеталар кўрик-танлови ўтказилди; ўқитувчилар раҳбарлигида ўқувчилар мустақил Ўзбекистонимизни мадҳ этувчи ҳамда ал-Фарғоний ижодини ёритувчи ижодий-илмий рефератлар тақдим этдилар. Мактаб маъмурияти меҳмонлар кўмагида ғолибларни аниқлаб, мукофотладилар.

Тарбиячи Зебохон Турсунова «Бобомизни севамиз» мавзуида 3-синф ўқувчилари билан намунавий тарбия машғулоти олиб борди. «Маънавият ва маърифат» хонасида олиб борилган ишлар, айниқса, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Бу ердаги барча кўргазма ва илмий-ижодий ишлар жамоа аъзолари томонидан тайёрланди. Шу ерда ўқитувчилардан С.Рашидованинг «Аҳмад Фарғонийнинг риёзиёт ва фалакиёт илми соҳасидаги фаолияти», Д.Хўжаеванинг «Алломанинг таржимонлик, атамашунослик, тилшунослик соҳасидаги қарашлари» мавзуларидаги маърузалари тингланди. Она тили ва адабиёт ўқитувчиси, шоир Шуҳратжон Султоновнинг «Фарғоний руҳи билан суҳбат» достони асосида адабий-бадиий композиция тайёрланди. Теран фикрлар, драматик ижролар асосида яратилган саҳна кўринишлар, Мухторжон Омонов, Давронбек Деҳқоновдек ўқитувчилар, Зоҳид Юнусов, Илҳом Назиров, Фарруҳ Орипов сингари ўқувчилар томонидан ижро этилган тимсоллар, «Раққоса» тўгараги қатнашчиларининг жозибали чиқишлари, «Уфора» мусиқа тўгараги ижрочиларининг мафтункор куй ва қўшиқлари томошабинларнинг қалбига улуғ алломанинг руҳини олиб кирди.

Маъмура АРСЛОНОВА

ЎША КУН...

Яқинда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Лаъл Баҳодир Шастри номли 24-мактабда 1-«А» лицей синф ўқувчиларининг Алифбе байрами бўлиб ўтди. Тийрак нигоҳлари билан дунёни энди-энди англай бошлаган бу болакайларнинг байрам чиқишлари ҳар қандай кишини ҳам тўлқинлантириб юборади, десак муболаға бўлмайди. Негаки, бу жажжи кичкинтойларнинг қаршисида сизнинг ҳам 1-синфдаги хотираларингиз, дўстларингиз билан «Алифбе» байрамида иштирок этиб, қорбобо ва қорқиздан илк совға олганингиз кўз олдингиздан кино лентасидек бир-бир ўтиб туради. Ва сиз ўша дамларни эслаб беихтиёр энтикиб қўясиз. Байрам шодиёналари «Алифбе» байрамига ташриф буюрган ота-оналарнинг, ўқитувчию устозларнинг кўнглига кўтаринкилик олиб кирди. Улар ўз хурсандчилигини яширолмай ширинтойлар билан давра айланиб рақсга тушишди.

— Мактабимиз 1500 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, дарслар асосан тўрт тилда ўтилади. Ўзбек, ҳинд, инглиз ва рус тилларида — дейди мактаб директори Доно Мираҳмедова.

Дарҳақиқат, ўша кун жажжи ўқувчилар нигоҳида абадий муҳрланиб қолса, ажабмас.

Лобар ҚЎЧҚОРОВА.

Mashhurlar hayotidan

ИНСОНИЯТ ТАФАККУРИНИНГ ЭНГ АЖОЙИБ МАҲСУЛИ

Ҳозирги замон физикасига 1900 йил 14 декабрда Германияда асос солинган деб айтиш мумкин. Шу куни Берлин университетининг физика институтида Макс Планк Немис физика жамияти аъзоларига ўзининг янги назариясини маълум қилди. Бу улкан кашфиёт эса мутлақо янги бир фан — квант физикаси тарихини бошлаб берди.

Буюк немис назариётчиси, физиги Макс Карл Эрнест Людвиг Планк 1858 йил 23 апрелда Киль шаҳрида дворян оиласида туғилди. Макс гимназияда тиришқоқлик билан ўқиди. Ёшлигиданоқ математикага қизиқиши ва қобилияти кучли бўлганлиги боис ўрта ва юқори синф ўқитувчилари бетоб бўлиб қолишганида улар ўрнига ёш Планкнинг математикадан дарс бериши ҳатто одат тусига кириб қолган эди. У ўзининг «Илмий автобиография» асарида ўқувчилик йилларини, унда физика ва математикага қизиқиш уйғотган муаллими Герман Мюллерни чуқур миннатдорчилик билан ёдга олади.

Ўша кезлари Планкнинг мурғак қалбини мусиқа сеҳри ҳам асир этганди. У болалар хорида қўшиқ айтар, турли мусиқа асбобларини чала олар, ўзи ҳам куй басталарди. У талабалик йилларида академик қўшиқ жамиятида хормейстерлик қилар, ҳаваскор мусикачилар ва рассомлар оркестрида дирижёр эди. Кейинроқ мусиқа бўйича махсус дарслар ҳам олди. Фортепьянода ижрочилик маҳорати ҳам узлуксиз сайқал топиб бораверди.

Табиийки, ҳаёт йўлини танлашда Планк мусиқами ёки физиками — қай бирини афзал кўришини билолмай анча иккиланиб юрди. Бу баҳсда физика устун келганига қарамай, Планк бир умр мусиқага бўлган меҳрини ардоқлаб ўтди. Буюк олим сифатида дунёга танилган даврида у ажойиб пианиночи ва классик мусиқа билимдони сифатида ҳам донг таратган эди. Ҳатто Планк Берлин университетида мусиқа назариясидан лекция ўқиган пайтлари бўлган. Қолаверса, бўлажак квант физикаси асосчисининг матбуотда эълон қилинган дастлабки мақоласи ҳам... мусиқага оид эди.

Планк Мюнхен университетида профессор Филипп фон Жолли каби устозларидан уч йил сабоқ олгач, Берлин университетида Герман Гельмгольц ва Густав Кирхгоф сингари забардаст олимлар қўлида таҳсил кўрди. Аммо уларнинг лекция ўқишга укувсизлиги Планкни қониқтирмади ва у мустақил мутолаага берилди. Гельмольц, Кирхгоф каби «ношуд педагог»ларнинг енгил ва содда тилда ёзилган асарлари эса Планкни мафтун этди. Лекин булардан ҳам кўра боннлик физик Рудольф Клаузиуснинг термодинамикага оид асарлари унга кучлироқ таъсир кўрсатганди. Ана шу туртки туфайли Планк термодинамика масалалари билан шуғуллана бошлади. Шундан кейинги 17 йил давомида унинг асосий тадқиқотлари йўналишини белгилаб берган бу мавзу пироварида квант назарияси яратилишига олиб келди...

Шу ўринда яна бир қизиқарли воқеани эслаб ўтишга тўғри келади. Бир пайтлар студент Планк билан унинг устози, профессор фон Жолли ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтган. Планк бўлажак олим сифатида назарий физикани танламоқчи бўлиб, бу ҳақда устозининг фикри қандайлигини сўраганда Жолли:

— Ўз ҳаётингизни барбод этиб нима қиласиз, яхши йигит? — деб уни бу йўлдан қайтаришга уринган. — Ахир, назарий физика тугаб бўлди, дифференциал тенгламалар ҳал қилинди, фақат айрим хусусий ҳолларни кўриб чиқиш қолди, холос... Шундай экан, бунақа истиқболсиз соҳага қўл уришдан маъно бормикан?

Инглиз физиги Жозеф Томсондек машҳур олим ҳам радиоактивлик, рентген нурлари ва ўзи томонидан электрон кашф этилганидан кейин, ўтган асрнинг энг сўнгги кунларидан бирида сўзлаган нутқида фан якунланаяпти, муҳим масалаларнинг бари ҳал қилинди, фақат айрим жузъий нарсаларни аниқлашгина қолди, деб айтган эди.

Дарҳақиқат, XIX асрнинг охирида фанда тинчлик ҳукм сурарди, лекин бу тинчлик қудратли довул арафасидаги сукунат эканлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Тўғри, Томсон ҳал этилмаган иккита муаммо — фан «осмони»даги иккитагина «булут» тўғрисида ҳам гапириб ўтди. Бу «булут»лар деярли ҳеч кимни хавотир қилмасди, бироқ қарангки, айнан ана шулардан «чақмоқ» чақиб, момақалдироқ гулдиради. Бояги иккита масала билан шуғулланиш эса пировардида Эйнштейннинг нисбийлик назарияси ва Планкнинг квант назарияси яратилишига олиб келди.

1885 йил баҳорида 27 ёшли Планк Киль университетига, назарий физика бўйича штатдан ташқари профессорлик лавозимига таклиф этилди. Она шаҳрига қайтгач, орада икки йил ўтиб, Планк мюнхенлик бир банкирнинг қизи — болаликдаги таниши Мария Меркка уйланди. Айни вақтда катта иштиёқ билан тадқиқотларини ҳам давом эттираверди.

У докторлик диссертациядаёқ термодинамиканинг иккинчи қонунини асослашга оид бир қанча янги фикрларни илгари сурганди. Бироқ на Гельмгольц ва на Клаузиус ёш олимнинг атиги 61 саҳифалик диссертациясини кўриб чиқишга ҳафсала қилишмади. Кирхгоф эса уни ўқиб чиқиб, Планк ғояларига мутлақо қаршилик билдирди. Эҳтимол, кейинчалик Квант назариясининг қийинчилик билан қабул қилиниши ҳам ана шу даврдан бошлангандир.

Планкнинг 1887 йили нашр этилган «Энергиянинг сақланиш принципи» асари Гёттинген университетининг фалсафа факультети конкурсида мукофот билан тақдирланди. Айни вақтда унинг педагогик маҳорати ҳам тобора ортиб борди. Ана шу омиллар туфайли Планкни олим сифатида ҳам, педагог сифатида ҳам ниҳоятда қадрлашарди. Кирхгофнинг вафотидан сўнг Планк Берлин университетига таклиф этилишида ҳам унга жуда яхши тавсиялар берилди. 1894 йили у Гельмгольц ва Кундтнинг таклифига кўра, Пруссия фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланди. 1912 йилдан олим академиянинг доимий котиби сифатида 25 йил, аъзоси сифатида эса 35 йил давомида иш олиб борди. 1894 йили Кундт ва Гельмгольцнинг вафотидан сўнг Планк Берлин физиклари ўртасида энг кўзга кўрингани, аср бошидан эса Германия физиклари орасида етакчи назариётчи бўлиб қолди.

Раҳим БЕКЖОНОВ,
Ўзбекистон ҳамда АҚШ Нью-Йорк Фанлар академиясининг академиги.

(Давоми бор)

Sport

ҒАМХЎРЛИККА АЙЛАНГАН УМИД

Инсон умрининг мазмуни имкон қадар яхшилик қилиш, яхши сўз дейиш, ғамхўрлик қилишда. Бу амалларни келажак авлод равнақи йўлида бажараётган чин инсонлар борлигидан қувонасан.

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан 1-ўзбек-турк лицейи иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ушбу билим даргоҳида маҳаллий мутахассислар хорижий ҳамкасблари билан бирга фаолият кўрсатмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, шу ўқув йили бошланиши олдидан ҳукумат томонидан қабул қилинган қонун ва Дастур моҳиятини англаб етган мутасаддилар аллақачон амалий ишга киришганлар. Лицей учун вилоят ҳокимлиги янги спорт комплекси қуриб фойдаланишга топширди. Бино барча қулайликларга эга. Бокс, кураш, волейбол, баскетбол каби спорт турлари билан шуғулланиш учун турли анжомлар билан таъминланган. Спорт майдончалари чим билан қопланган. Юқоридаги савоб ишларидан кўриниб турибдики, халқ таълими вакиллари эзгу амаллар билан банд. Бундай инсонлар болаларга қараб ўз келажакларини кўра оладилар. Зеро, улар ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиб, элимиз довруғини дунёга таратувчи алпомишлар улғайишига умид боғлаган бўлсалар, ажаб эмас.

Жаҳон миқёсидаги беллашувларда юртимиз байроғи ҳилпираб туришини бахт билган сахийлар меҳнати аллақачон самара бера бошлади. Лицейдан Зафар Ботиров, Акмал Ҳайдаров, Беҳзод Сатторов каби ёш, иқтидорли спорт усталари етишиб чиқмоқдалар. Вилоят турнирларида фахрли ўринлар, ғолиблик шоҳсупаси эгалари бўлганликлари уларнинг дастлабки натижаларидан саналади.

Намоз ҚАРШИЕВ.

Yuzma-yuz

КУМУШБИБИ БИЛАН УЧРАШУВ

Кумушбиби мозийда қолди...

Аммо унинг тўлақонли қиёфасини минг-минглаб томошабинлар кўз ўнгида гавдалантириб бера олган актриса Гулчеҳра Жамилова ҳар биримиз учун Кумушбибига айланган.

«Ўтган кунлар» фильмининг яратилганига ўттиз йил бўлди. Аммо Кумушбибининг ягона қиёфаси юракларимизга муҳрланди.

Яқинда республика Таълим маркази қошидаги «Инсон камолоти» университети тингловчиларининг Кумушбиби, яъни Гулчеҳра Жамилова билан учрашуви бўлиб ўтди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти талабалари, табиийки, актрисага Кумушбиби образини яратиш жараёни билан боғлиқ саволларни беришди.

— Ўшанда мен 21 ёшда эдим, — деб эслайди Гулчеҳра Жамилова. — Менга қадар Кумушбиби ролини ўйнашга 500 дан ортиқроқ қиз-жувонларни таклиф этишган, аммо муносиби топилмаган экан. Узоқ уринишлардан сўнг режиссёрлар менинг ушбу ролни ўйнашимга розилик билдиришди.

Саҳнада образ қандай яратилади? Кино санъатининг талаблари нимадан иборат? Юзлаб аёллар образини яратишга муваффақ бўлган санъаткорнинг шахсий ҳаёти қандай кечади?

Талабалар гоҳ ёзма, гоҳ оғзаки саволлар беришаркан, Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг истеъдодли актрисаси Гулчеҳра Жамилованинг маънавий оламини билишга қизиқардилар.

Учрашув меҳмони ўз мухлисларининг саволларига чин дилдан самимий жавоб қайтарди.

Дарвоқе, «Инсон камолоти» университетининг иш бошлаганига бир йилдан ошди. Шу вақт мобайнида унинг машғулотларига 10 мингдан зиёд тингловчилар жалб қилинди. Таниқли кишилар билан уюштирилган учрашувлар ўз натижасини бераяпти.

Ҳ.ТЎЙМОНОВА

Sport maydonchasi

ОЛИМПИАДАНИНГ БИРИНЧИ ОЛТИНИ

Шу кунларда Японияда давом этаётган XVIII қишки олимпиаданинг дастлабки олтин медали россиялик чанғи устаси Ольга Даниловага насиб этди.

Ольга Данилова ҳозир 27 ёшда, иккита фарзанди (эгизаклар) бор. Чанғи спорти билан 8 ёшидан бошлаб шуғулланади.

ЕВРОПАНИНГ ЮРИШИ

Олимпиада ўйинлари давом этган икки кун мобайнида Ер шарининг Европа қисмида жойлашган мамлакатлар бошқа қитъалардагидан кўра фаолроқ қатнашиб, Россия, Нидерландия, Германия, Болгария, Финляндия спортчилари биттадан олтин медаль олишди. Италияликлар эса рекорд натижа кўрсатишди. Улар 2 кун ичида 2 кумуш ва 1 бронзага эришдилар.

ЖУРНАЛИСТНИНГ ЖАЗОСИ

Олимпиада ташкилотчилари журналистлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Дастлабки 2 кунлик маълумотларга қараганда, италиялик радиожурналист Янги Зеландиялик спортчилардан рухсатсиз интервью олганликда айбланиб, Италияга жўнатилди.

РУСЛАР ЖИДДИЙ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Маълумки, қишки олимпиада дастуридан хоккей мусобақаси ҳам ўрин олган. Россия терма командаси ушбу олимпиада чемпионлигини қўлга киритиш учун жиддий тайёргарлик кўрмоқда. НХЛда ўйнаётган ака-ука Буре, Ларионов, Константинов ва 39 ёшли Фетисов ҳам командага таклиф қилинган.

ЭРТАГА БИЗНИКИЛАР БОШЛАЙДИ

Ушбу олимпиадада бизнинг терма командамиз 5 киши бўлиб қатнашиши илгаридан аниқ. Эртага машҳур спортчимиз, олимпиада чемпиони Ленахоним Чирязова, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Биз юртдошлар Ленахонимнинг ишларига омад тилаймиз.

Ko'ngil bitiklari

Инсон доимо яхшиликни, эзгуликни соғиниб яшайди. Кўнгил яхшилар дийдорига ташна. Кўнгил доимо тозаришни кўмсайди. Биз кўнган нарсаларга кўнмай яшайди кўнгил.

Бу йил курсдошлар билан хайрлашганимизга 15 йил тўлди. Ҳозир улар Ватанимизнинг турли бурчакларида ўқитувчилик қилишади. Кўплари ўзларидан умуман дарак бермайди. Ҳар йили 25 мартда институтимиз олдидаги хиёбонга боришни канда қилмайман. Фақаттина бу ерда беташвиш кунларимизнинг гувоҳи — ҳашаматли бинолар, дарахтлар билан учрашиб қайтаман. Кўнгил эса талабаликдаги дўстларни қўмсайди, қўмсайверади...

Ушбу шеърларимни талабаликдаги дўстларимга бағишладим.

МУАЛЛИФ

СОҒИНГАН САБОҚДОШ ҚИЗЛАРГА ҲАЗИЛ

Талабалик ҳам
илк севгига ўхшар.
Тобора қўмсайверасан,
вақт ўтган сайин.

У кунларни
эслаганимда,
Кўзим равшан тортар,
Сўзларим майин.

Оҳу надоматки,
Лоақал биттангизни
умршерикликка
Олиб қолмапмиз.

Яна минг афсуски,
Манови ёшлар каби,
салқин боғларда
Етаклашиб юришниям
билмапмиз.

КУТУБХОНАЧИ

Сизга мақтовлар ярашмас,
Муносиб таъриф керак,
Маърифат сўзидек зиё сочгулик.

Китоблар ортида
турса ҳам ўзи,
Аҳли кутубхона касби эзгулик.

Кимлар бу инсонла
дўст тутинмаган,
Касбнинг номи ўзи энг юксак унвон.

Бир кун ҳам
китобсиз яшаёлмас, у —
Эзгулик тоқига элтувчи нарвон.

Абдураҳмон ЖЎРА

Bilasizmi?

«АЛКИМЁ» НИМА ДЕГАНИ?

Айтишларича, алкимё биринчи асрда Александрия (Миср)да вужудга келган. Қадимги Миср ёзувларида битилганидек, алкимёнинг ижодчиси афсонавий Гермес Трисмегистус деган улуғ шахс бўлган экан.

Алкимё ўрта асрларда айниқса тез ривожланди. Кимё (кимиё) сўзининг келиб чиқиши ва унинг дастлабки маъноси ҳақида фанда турлича қарашлар мавжуд. Шулардан энг муҳимлари ҳақида қуйида фикр юритилади.

Унинчи асрда яшаб ижод қилган хоразмлик олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Хоразмий ўзининг «Мафотиҳ ул-улум», яъни «Илмлар калиди» деган асарида ёзишича, кимё сўзи арабча бўлиб, «яшириш, беркитиш» маъносини англатадиган камоякми феълидан ясалган.

Араб тили лугати соҳасида ишловчи айрим олимлар ҳам шу фикрни қуллаб-қувватламоқдалар.

XVI асрда яшаган турк олими Тошкўпризоданинг фикрича, бу сўз эски иброний (яҳудий) тилида «худодан» деган маънони англатувчи кимяҳ атамасидан келиб чиққан.

Ҳозирги замон тадқиқотчилари ўртасида бу хусусда, асосан, икки фикр мавжуд. Баъзилар кимиё (химия) сўзи Миср мамлакатининг қадимги номи Хэмидан олинган, демак, «химия» сўзи дастлаб «Миср фани» деган маънони англатган, дейдилар.

1929 йили Ленинградда чоп қилинган «Кимёга доир асосий фикрларнинг ривожланиши тарихи очерки» китобида, 1942 йилда босилиб чиққан «Кимёнинг ютуқлари» тўпламида ана шундай фикр баён қилинган.

XII аср охирида, араб тилида ёзилган кимё асарларини лотин тилига таржима қилишда ал-кимё (ал—араб тилида аниқлик белгиси) сўзи алкимиа шаклида лотин тилига ўтади. Кейинчалик бу сўз лотинчадан бошқа Европа тилларига ҳам кириб боради.

Рус тилидаги алхимия, алхимик, химия сўзлари ҳам шу тариқа келиб чиққан.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади

Сирдарё вилоятининг маркази — Гулистон шаҳри бир неча кун меҳмонлар билан гавжум бўлди. Ҳамза номидаги болалар санъат мактабида М. Турғунбоева номидаги 1-Республика миллий рақс

РАҚҚОСАЛАР БЕЛЛАШИШДИ

ижрочиларининг танлови бўлиб ўтди. Унда якка ижрочилик бўйича 1-ўрин Олим Хўжаев номидаги театр раққосаси Н. Қорахўжаева ва Гулистон шаҳар болалар санъат мактаби ўқувчиси К. Сурганова-ларга насиб этди. Рақс жамоалари бўйича ҳам биринчи ўринни мезбонлар, Сирдарё тумани «Дўстлик» ашула ва рақс дастаси раққосалари эгаллашди.

Садбархон ЖЎРАЕВА

УЧРАШУВ

(Воқеий ҳикоя)

Кеч кириб қолган бўлса ҳам қуёшнинг олов тафти қайтганича йўқ. Ҳаво дим, иссиқдан нафас бўғилади. «Тошкент» меҳмонхонаси ёнидаги сув будкасидан сув ичаётган Жамолиддин тўсатдан эски дўсти Турғунни кўриб қолди.

— Турғун! — деб қичқириб юборди у қувончидан, — сенмисан оғайни, қайси шамол учирди?

— Э-э-э! — деди Турғун ҳайратда қолиб, - сени ҳам кўрар кун бор эканда... аҳволларинг қалай, тинчмисан, дўстим!

Икки дўст қайта-қайта қучоқлашиб кўришишди. Ахир, улар бундан 20 йил илгари ёзги дам олиш масканларининг бирида кўришган эдилар-да. Орадан қанча умр лавҳалари ўйноқи ва мангу бетиним ҳаёт дарёсидай гоҳ мавж уриб, гоҳ тўлқинланиб, жўшқин ҳарорат-ла оқиб ўтди...

Турғун новчадан келган қотма, устидаги ёзги кители эгнига қуйиб қўйгандай, бошида сомон шляпа... 50 ёшлар чамасида. Унинг катта-катта қўй кўзларидан олижаноблиги яққол сезилиб турарди.

Косовдай қоп-қорайиб кетган Жамолиддин дўстига қараганда анча пакана бўлса ҳам семириб бесўнақай қорин қўйганлигидан дум-думалоқ тарвузга ўхшаб кетарди. У ҳозиргина «Тошкент» ресторанида бўлган, ёғлиқ лаблари ялтирар, юзлари бир оз қизарган, кўзлари ширакайф, оғзидан «дори» ҳиди келиб турарди.

— Ҳўп учрашиб қолдикда! Сени кўриш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди... Қани менга тузукроқ қара-чи! Бе-э-э, ҳеч ўзгармабсан-ку! Ҳали ҳам аввалгидайсан-а! — Жамолиддин дўстини ҳазил аралаш турткилаб, қампайган қорнини силаганича, гапида давом этди. — Мана мен... анча қариб қолдим, лекин шундаям ўша ўзинг билгандайман... Ишқилиб топган-тутганимни мана шу қорингга, чўнтакка жойлаяпман, оғайни.

У кулимсираб чўнтагига қўлини солди. Оёқ учида кўтарилиб шивирлади. — Қайним савдо министрлигида ишлайди. Поччам профессор. Ҳа, улар жуда-жуда обрўли одамлар. «Шолининг орқасидан курмак сув ичади», деганларидек, менга ҳам анча-мунча фойдалари тегиб туради.

— Папа, юрмайсизми?! Чақиряптилар... — Жингалак сочларига лента тақиб олган 8-9 ёшлар чамасидаги думбоққина қиз узун киприкларини пирпиратганича, Турғунга бошдан-оёқ сирли назар ташлаб турарди.

— Ҳозир, она қизим, ҳозир! Амакинг билан познаком қилмайсанми? — Жамолиддин иржайиб, қорамтир сарғиш панжалари билан қизининг бошини силаб гапида давом этди:

— Бу кенжа қизим Санобархон, учинчи классда занимайся қилади. Ҳа, айтганча қизим частушкаларни ҳўп айтади-да... Санобархон! Амакингга бирорта частушкани айтиб бермайсанми!

Санобархон отасининг ўринсиз гапларидан ҳижолатланиб, узини унинг панасига олди.

— Ишларинг бешга ўхшайди, а, — деди Турғун босинқи дўрилдоқ овоз билан кулимсираган кўзларини бир оз ўйнатиб. — Қаерда ишлаяпсан, бирор тузукроқ ёғлиқ ишдамисан? Амалдорликни ҳавас қилиб юрардинг.

— Э, оғайни! Яхши ният ёрти мол деганлар, пайти келганда амалдор ҳам бўлиб қолармиз. Бозорда паттачи ҳам, даллол ҳам бўлдим. Ҳозир эса катта бир магазинга мудирман...

Жамолиддин ўз иши ҳақида сўзлаб кетди. У дўстидан ҳеч нарсани яширмади; харидорлардан йўлини қилиб оладиган даромадини ҳам, савдогарлар билан қилган «олди-берди»сини ҳам, ҳатто яқинда бўлиб ўтган ревизиядан кейин 3-4 ой ишсиз юрганини ҳам, кейин ишни тўғрилаб олганини ҳам, оқизмай-томизмай батафсил сўзлаб берди.

— Дўстим, ишлар ана шундай, — деди Жамолиддин охири тепакал дукки бошини қашиб, — ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ деганлар. Хуллас, мен сенга гапнинг пўсткалласини айтсам, оғайни, магазин деган нарса бу бир говмуш сигирдай гап экан... Авайлабгина соғсанг «Сутқаймоқ» бераверар экан... Ҳамма гап ишнинг кўзини билишда, дўстим. Мана шу магазин туфайли худога шукр, ҳеч қандай камчилигим йўқ. Чуқурсой деган жойда 8 хонали данғиллама уй ҳам сотиб олдим. Қариндош-уруғлар номига «Волга» олиб қўйганман.

— Сен-чи, ҳалиям ўша районда ишлаяпсанми?

— Анча бўлди, Тошкентга келиб қолганман. Ички ишлар министрлигида ишлаяпман... — кулимсираги Турғун.

Тўсатдан Жамолиддиннинг ранги ўчиб, турган ерида тошдай қотиб қолди.

— Ухуу... ишлар жойидаку! Ҳмм, йў-ўқ... мен-мен ғоят хурсандман. Ҳа, ғ-ғо-оят...

Шу пайт кўчанинг нариги бошидан қора кўзойнак таққан, ясан-тусанни жойига қўйган, 40 ёшлар чамасидаги, биққа семиз хотин бир-бир босиб булар томон кела бошлади. Унинг ҳар бир қадам ташлашдаги нозу-карашмасидан олифталик, кибр ва нодонлик, сузма қатиқнинг сувидай чакиллаб томарди.

— Вой-бўй, қай ғурда қолдингиз... «Волга»нинг ичида ўтираверib, нафасим сиқилиб кетди-ку. Нима сизга машинага пойлоқчиманми?

Жамолиддин бир чўчиб тушдию ноқулай вазиятда сохта илжайиб, пешона терини рўмолчаси билан арта бошлади. У имо-ишора қилиб хотинининг оғзига қулф солишга ошиқди:

— Ўзлари кечирадилар, дўстим... бу киши бизнинг хотин буладилар... Лазокатхон!

— Бу киши менинг азиз дўстим буладилар, танишинглар, — деди Турғун хотинига, - Ҳозир ички ишлар министрлигида ишлайдилар... — Жамолиддин нима дейишини билмай довдираб қолди, — ҳмм, ҳа кечирадилар, агар вақтлари бўлса, бугун бизникига меҳмон бўлсалар.

Бу ҳол Турғуннинг энсасини қотириб юборди. Лекин шундай бўлса ҳам у дўстига ва унинг хотинига миннатдорчилик билдириб, вақти зиқлигини, кейинроқ уларникига, албатта, боришини айтиб, уларнинг уй адресини олиб, узр сўради.

Жамолиддин «Волга»нинг ичига кириб ўтиришга ўтирдию лекин кўнгли жойига тушмай, таъби хиралашди. «Турғун ички ишлар министрлигида ишлайман деди-ку?! Нима қилиб унга ҳамма сиримни оғзимдан гуллаб қўйдим», деган хаёл бошини айлантирди, кўзлари тингандай бўлди. У машинадан тушдию «мен ҳозир...» деб шапалоқлари ёзилган эшкакдай у ёқ-бу ёққа силкинганича югуриб кетди...

— ... Турғун Дустим! Ҳужайин!... Мумкин бўлса тўхтанг! — Жамолиддин етиб келиб нима дейишини билмай харсиллаганича Турғуннинг кўзларига термулди. — Сизни ҳеч қаергa қўйиб юбормайман. Уйга олиб кетаман!.. — Унинг бир оз қизарган маъносиз кўзлари намлангандай бўлди.

— Ҳа, ҳа, — Жамолиддин нима қилишини билмай, кир босган тишларини кўрсатиб, кўпик босган лабларини ялади... Икки қўлини қорнига қўйиб, зўрма-зўраки «хи-хи»лади. — Шундай қилиб, қачон учрашамиз? Бизникига ўзлари қачон борадилар, ишонсак буладими?

— Бошқа бир вақт меҳмон бўларман. Шошилиб турибман. Мен икки йилга чет элга ишлашга кетяпман, — деди кулимсираб Турғун.

— Бэ-ээ... Шундай денг?! Так-такк... Ишлашга чет элга, икки йилга! Оббо сенейй! Оббо Турғунбойэй! Ҳай майли, вақтинг бўлмаса қистамайман, — дедию Жамолиддин такаббурона, гердайганича унга қўл чўзди...

Муҳитдин ЖАББОР

Xullas...

«ЭРИНЧОҚ» БОМБА

...Бу ҳолни кўрган қирқ йиллик мутахассисларнинг ҳам нақ эсхонаси чиқиб кетди. Бордию бу тафсилотни сиз ҳам ўз шахсий кўзингиз билан кўрганингизда,,. Белоруснинг тоғли туманларида урушда ҳалок бўлган номаълум аскарларнинг қабрини ҳамда ўша зорманда урушда портламай ҳалигача «эриниб» ётган мосламаларни аниқловчи гуруҳ ушбу ҳолатни кўрди. Қарашса, шу атрофда истиқомат қилувчи бир деҳқон битта эмас, нақ иккита снарядни ҳовлисида бемалол хўжалик юмушларида ишлатиб юрибди. Ақлдан озаёзган гуруҳ мутахассисларининг айтишича, снаряд ҳалигача ўз кучини йўқотмаган экан.

ҚУЛОҒИНГИЗ ҚАНАҚА

Дунёда одамлар кўпайган сари уларнинг қаллоблик усуллари ҳам шунча ортиб бораяпти. Эмишки, яқинда Польшада янги башоратчи пайдо бўлган эмиш. Унинг айтишича, кишининг умр йўлини унинг қулоғига қараб ҳам аниқлаш мумкин эмиш. Масалан, одамнинг бошида қулоғи яхши жойлашмаган бўлса, у киши ёшлигида шўх бўлган. Агар қулоқнинг рангги кўкимтир бўлса, у киши касалманд бўлар экан. Агар қулоғи бутунлай йўқ бўлса, у кишининг карлигидан нишона эмиш. Агар... Ё тавба...

ОМОН БЎЛИНГ, ЧУМОЛИЛАР!

Ит билан мушукнинг узоқ-узоқ жойлардан ҳам ўз уйини бехато топиб келишини яхши биласиз. Лекин бу борада чумолининг ақли уларникидан ошиб тушар экан. Чумоли устида тадқиқот олиб борган зоологларнинг айтишларича, бир чумоли уйидан 500 метр узоқликка элтиб ташланган. Бироқ азамат чумоли бир ҳафтада ўз кулбаи вайронасини адашмасдан топиб келган. Ҳатто ўзидан икки баравар катта ўлжани ҳам судраб келган. Ва яна ўша чумолишунос олимларнинг таъкидлашича, чумоли кам бўлган жойда экинларнинг ҳосили ҳам яхши бўлмас экан. Чунки ўсимликка тушган ширларни чумоличалик ея оладиган жонивор топилмас экан-да.

ana shunaqa gaplar

ЭЪЛОН

2-шаҳар юқумли касалликлари шифохонасининг гербли, думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

* * *

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги А. Қодирий номли 29-ўрта мактаб томонидан ХАЙРУЛЛАЕВА НИГОРА РАҲИМЖОНОВНА номига 1992 йилда берилган АС 000913 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

* * *

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги А. Қодирий номли 29-ўрта мактаб томонидан ХАЙРУЛЛАЕВ ЭЛДОР РАҲИМЖОНОВИЧ номига 1996 йилда берилган UZA 072111 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

***

Ўрта Чирчиқ туманидаги 35-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда СУТТИБОЕВ ДИЛШОД ЭШБОЕВИЧ номига берилган UZI-346270 рақамли тулиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Аҳмад ОТАБОЕВ,
Норали ОЧИЛОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0986. Тиражи 58104. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6